

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг республика олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга тўлаш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари беришни 2001-2002 ўқу йилидан бошлаб амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун олий ўқув юртларига қабул қилинган Ўзбекистон фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки вазирларига берилди.

2. Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг:

чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланган ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари учун — фоизсиз таълим кредитлари бериш;

кам таъминланган оилалардан чиққан талабалар учун —

кредит учун қўшилган фоизлар суммасининг 50 фоизини Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўлаган ҳолда имтиёзли кредитлар бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Тижорат банклари: кредитнинг асосий суммаси ўқув юртини битиргандан кейин қайтариладиган имтиёзли даврли кредитлар бериш;

таълим кредитлари учун фоиз ставкаси миқдорини Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорларда белгилаш тавсия этилсин.

5. "Ўзтелерадио" компанияси, Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида таълим кредитлари, шу жумладан, имтиёзли шартлардаги таълим кредитлари олиш имкониятлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июль.

Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида Низом билан газетамизнинг 2-бетида танишасиз.



Тараддуд

Himmat

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 4-сонли қарорининг ижросини таъминлаш буйича Хатирчи тумани ҳокимлигида кам таъминланган оилалар фарзандларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш мақсадида "Меҳрингизни дариг тутманг, азиз юртдошлар!" шiori остида хайрия марафони ўтказилди.

Марафонда 300 дан зиёд идора, ташкилот, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари, ширкат, деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ва куллаб тadbirkorлар иштирок этишди.

**ДАРСЛИКЛАРГА —
2.738.525 СЎМ**


Хайрия марафонига бағишланган анжуманда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Эркин Турдимов, А. Икромов номидаги агрофирма раиси, Олий Мажлис депутати Эркин Қаҳҳоров, кекса педагог Турсунқул Шопулатов, 81-мактаб директори Қудрат Сафаров, лицей-интернат директори Ёвқоч Шодмонов, Наталья Жаппарова ва бошқалар сўзга чиқшди. Улар йигилганларни аҳоли орасида халқимизга хос саҳийлик, саҳоватпешалик, ҳиммат каби хусусиятларни янада жонлангиришга қаҳирдилар...

Хуллас, шу кунни хайрия марафони ҳисобига туман ҳокимлиги 60 минг, Акмал Икромов номидаги аграр фирма 50 минг, "Ватанпарвар" ташкилоти 40 минг, туман кимёлаштириш акциядорлик жамияти 30 минг, тadbirkor-педагог К. Сафаров шахсий жамғармаси ҳисобидан 50 минг, "Автоўл" корхонаси 55 минг, Агросуғурта ташкилоти 50 минг, шунингдек, А. Темур, Й.Охунбобоев, "Меҳнатобод" ширкат хўжаликлари баҳоли қудрат маблағ ажратдилар.

Хайрия марафони якунида фаоллар гуруҳи марафон жамғармасига тушган пуллар миқдорини ҳисоблаб чиқшди. Қисқаси, кам даромадли оила фарзандларига 2001—2002 ўқув йилида дарсликлар сотиб олиш учун йигилган маблағ 2738525 сумни ташкил этди. Шундан 1146525 суми эса аҳолидан тушган нақд маблағдир.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
Навоий вилояти.

СЎНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



САЙЛОВ

Эртага айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловни фаол ўтказиш юзасидан Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қарор қабул қилди ва қарорга асосан жойларда округлар тузилди.

УЧРАШУВ

Термизда сурхондарёлик шеърят мухлисларининг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашуви бўлиб ўтди ва унда воҳанинг танти одамлари табиатидаги ўзбекона жўмардлик, Сур-

хоннинг етук фарзандлари, шу йил кузда 2500 йиллиги нишонланадиган Термиз шаҳрининг тарихи, бугуни ва вилоят аҳли ҳаётида истиклол йилларида рўй бераётган янгиланишлар жараёни хусусида сўз борди.

ТАЪТИЛДА

Паркентнинг хушҳаво "Кумушкон" соғломлаштириш оромгоҳида ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг "Мафтункор ранглар жилоси" деб номланувчи анъанавий халқаро бадиий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкентдаги "Халқлар дўстлиги" саройида режиссёр Рустам Ҳамидов раҳбарлигида Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонладиган кутлуг кунда бўладиган катта байрам тантаналарига барча вилоятлардан келиб тайёргарлик кўраётган бадиий жамоалар, хонандаю созандалар, балетмейстерлар, рассомлар, шоир ва ёзувчилар иштирокидаги дастурнинг дастлабки кўриги бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов қатнашди.

Битирувчилар саводхонлиги қандай аниқланади?

3-бет

Mehmonxona

Муаллимлар хонадонидан улғайган актёр

5-бет

Sening jiyron otingman, Vatan!

9-бет

Инглиз тили сабоқлари

12-бет

Одам Атонинг отаси йўқ-да!

16-бет

Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

2. Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш уларни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

3. Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига, (бундан кейин матнда "Қарз олувчи" деб аталади) берилиши мумкин.

4. Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

5. Мазкур Низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига – ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит); талабаларнинг қолган тоифаларига – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

6. Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50

фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда "Жамғарма" деб аталади) маблағларидан тўланади.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзга ҳуқуқли бўлган оилалар Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарорига илова) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

7. Таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмайди.

8. Таълим кредитлари, қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашга тижорат банклари муассасалари томонидан берилади.

II. Кредитни расмийлаштириш тартиби

9. Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгаришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси

ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгаришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айна бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

10. Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларида бирини банкка тақдим этиши лозим, унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш; банкнинг кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

11. Банк қарз олувчи томонидан кредит олиш учун тақдим қилинган ариза ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ва кафилнинг молиявий аҳолини баҳолайди.

Агар кредитни қайтариш таъминланиши сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар қўйилган бўлса, банк уларнинг бозор нархларини аниқлайди.

12. Агар тақдим этилган

ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

13. Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқиши учун таълим кредитлари бериш учун ҳар бир томоннинг мазкур Низомдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳолда банк, қарз олувчи, олий таълим муассасаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ўртасида кўп томонлама кредит шартномаси тузилади.

14. Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризага кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

III. Кредит бериш, кредитни қайтариш ва фоиз тўловларини амалга ошириш тартиби

15. Таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

16. Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябрига, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартига тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилдан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик

биринчи ойи (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

17. Фоизлар қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўланади.

Кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларнинг ўқишига таълим кредитлари учун фоизлар қарз олувчи ва Жамғарма томонидан ҳар ойда, ҳисобланган фоизлар суммасининг 1/2 қисми бўйича тенг улушларда тўланади.

Жамғарма ҳисобланган фоизлар суммасини тўлов топшириқномаси билан банк билдиришномаси олингандан кейин уч иш куни мобайнида ўтказилади.

18. Таълим кредити берилгандан сўнг банк кредит таъминланиши бўйича шартномада кўрсатилган тартибда мониторинг олиб боради.

19. Агар талаба ўқиш даври тугамасдан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти ректор (директор)нинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида бу ҳақда банкка хабар бериши керак, қарз олувчи эса ўз навбатида уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизлар бўйича қарзларни тўлиқ қайтариши лозим.

Талабанинг талаба сафидан чиқарилиши олий таълим муассасаси томонидан банкка ўз вақтида маълум қилинмаган тақдирда, таълим муассасаси ушбу давр учун ҳисобланган фоизларни банкка тўлашга мажбур.

Ушбу шартлар банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида акс эттирилиши керак.

20. Таълим кредитлари кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитни таъминлаш объектини тасаруф этиш йўли билан кредит бўйича қарз суммасини ундириб олади. Агар кредитнинг қайтарилиши таъминлаш сифатида таъминлашнинг бошқа шакллари тақдим этилган бўлса, банк белгиланган муддатда қайтарилмаган таълим кредитини улар ҳисобига ўз вақтида қайтарилиши чораларини кўриши керак.

21. Қарз олувчи кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтаришга ҳақлидир.

БИТИРУВЧИЛАР САВОДХОНЛИГИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

"Ўлчамлар" тизими таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини қандай, қай даражада эгаллаганликларини аниқлашга имкон берувчи тизимдир. Аҳамиятлиси, бу тизимлар ёрдамида ўқувчиларнинг эришган маърузи талаб даражалари текширилади ва у охирига натижа режалаштирилган даражага етган, етмаганлиги ҳақидаги хулосалар қилишга имкон беради.

Аслида бошланғич таълим мазмуни, авваламбор, боланинг фикрлаш қобилиятини, ақлий ривожланишини, мантиқий тафаккурини ўстиришга, ўқувчиларнинг ўз-ўзини, моддий борлиқни теран англашга, боланинг атроф-муҳитга нисбатан кузатувчанлик муносабатини ўстириб боришга қаратилган бўлади. Бу мақсадларни амалга ошириш болаларнинг коммуникатив фаолиятларини ошириш талаби билан боғлиқдир.

"Ўлчамлар" тизимида ана шундай талабларнинг кўрсаткичлари — параметрлар асосида ўқувчиларнинг илмий мушоҳада қила олишлари, ўз тасаввурлари, фаразларини аниқ баён қила олишдек — зарур кўникма ва малакаларнинг энг юқори даражаси сифат кўрсаткичлари билан белгиланади.

Болага таълим-тарбия бериш, шу воситалар орқали унинг ижтимоий шаклланишини таъминлаш, шунингдек, бу вазибалар қай даражада бажарилишини текшириш "педагогик ўлчовлар" жараёнлари ниҳоятда кўпқиррали ва мураккаб жараёнлардир. Шу нуқтаи-назардан қарай-

диган бўлсак, ҳозирги кунда таъриба сифатида бошланғич синфларда олиб борилаётган баллик тизим келажакда ўқувчиларнинг билимларига ва ривожланиш даражаларига ҳам педагогик, ҳам психологик нуқтаи назардан салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз. Боланинг ривожланиш жараёнида уни фақат балл тўплашга ўргатиш ёки баҳо олишга қизиқтириш орқали уни ҳақиқий билимлар оламига олиб кириб бўлмайди. Бундай шароитда болани моҳиятлар, аломатлар, хусусиятлар эмас, балки "баҳо олиш" қизиқтириб кўяди. Шунинг учун ҳам Япония, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда балл тизимига жуда жиддий ёндошадилар. Фақат юқори босқич таълимини тўғатаётган ўқувчиларгагина бу тизим қўлланилади.

Ўлчовлар технологиясини ишлаб чиқишдан мақсад, педагогик мақсадга йўналтирилган топшириқлар тизимини яратиш, ҳар бир таълим соҳалари бўйича ҳар бир ўқувчининг Давлат таълим стандартларида белгиланган маърузи тайёргарлик даражасига эришганлигига аниқ ишонч ҳосил қилишга шарт-шароит яратишдир. Масалан, ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг ҳар бир таълим соҳалари бўйича маърузи минимал тайёргарликларига бўлган талаблар куйидаги вазибалар орқали текшириш амалга оширилган, яъни булар ўқувчилар томонидан "таққослай олиш", "баҳолай олиш", "сабабини айтиб бериш" каби талабларни бажариш билан боғлиқдир. Бу эса таълим соҳалари бўйича бошланғич синф ўқувчи-

сининг эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг даражасини аниқ ўлчовларда ифодаланишини таъминлайди.

Стандартдаги маърузи талабларнинг бажарилишини дихотомик (иккилик, муқобиллик) шкала усулида баҳолаш кўпгина мамлакатларда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Шунингдек, ДТСнинг киритилиши билан боғлиқ Россия таълим тизимида ҳам шу усулни қўллаш тавсия қилинган. Дихотомик баҳолаш усули куйидагича бўлиши мумкин:

"эришди", "эришмади", "ўтди" ва ҳ.к.

Yangicha ish usuli

Бундай баҳолашнинг мезони давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва малакаларга бўлган талаблар мазмуни бўлиши керак. Шундай қилиб, топшириқлар тизими уларнинг қандай тузилишидан қатъий назар, мазмун бутунлиги талабларига жавоб берадиган ва ўқувчиларнинг кучи етадиган тахминий-мезоний баҳолаш тестларни ҳам ўз ичига олади. Энг асосийси, текширувчилар томонидан натижалар бир хил ўлчаниши ва аниқ белгиланиши муҳимдир.

Стандартнинг ўлчов тизимларини ишлаб чиқиш куйидаги талабларни бажариш билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз:

— ўлчов тизимларида стандартларнинг талаблари бажарилган ёки бажарилмаганлиги қайд этилиши;

— ўлчов тизимлари барча учун

(ўқитувчи, ота-она, ўқувчи, текширувчилар ва ҳ.к.) тушунарли, аниқ бўлиши, "ўқитувчи учун бу педагогик диагностика методи бўлиб, бу усул ёрдамида ўқувчининг ўзлаштирган, ўзлаштирмаганлиги аниқланади, шунингдек, ўқитувчининг педагогик фаолиятига баҳо берилади. Муҳими, ўқувчилар ўзи эришган муваффақиятини, иш натижаларини таққослай олиш, ўз-ўзини назорат қилиш имконига ҳамда қандай натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги ахборотга ҳам эга бўладилар. Ота-оналар эса ўз боласида ривожланиш қандай кечаётганлигини, натижаларни янада яхшилаш учун нима ишлар қилиш мумкинлигини аниқлаб оладилар;

— ўлчов тизимларида акс этган топшириқлар, аввало, ўқувчининг ижтимоий таъриба маданиятини қай даражада эгаллаганлигини аниқлаш учун аввалдан чуқур ўйланган, таҳлил қилинган бўлиши лозим.

Куйида биз ЮНЕСКО материалларидан фойдаланган ҳолда мисол тарзида ўлчовлар технологиясини келтирамиз, яъни бошланғич таълим босқичини яқунлаган ўқувчилар (маълум бир таълим соҳаси юзасидан) куйидаги кўникма ва малакаларни эгаллашлари керак: "терминлар", "номма-ном айтиб бериш", "тушунчага эга бўлишлари", "нарса ва ҳодисанинг сабабини айтиб бера олишлари", "изоҳлаш, шарҳлаш фарқлаш", "мисоллар келтира олиш", "аниқ қисқа таърифлаш олиш", "билимларни амалий қўллаш олиш", ёнки, шунингдек;

Ўқув малакаси (билимларни

амалий қўллаш олиш):

—ўқитувчи ёрдамида берилган топшириқни ечиш йўллари ва усулларини аниқлаш;

—ўз фаолиятини баҳолай олиш, таққослай олиш;

—ўз-ўзини назорат қилишда китобдан фойдалана олиш;

—ўз тенгдошлари ишини объектив баҳолай олиш.

Коммуникатив малака (фарқлаш):

—муҳокама, мунозара;

—фикрлаш, ифодалаш, тасаввурларини баён этиш.

Билимларни амалий қўллаш: —мунозараларда иштирок этиш (бошқа одам фикрига диққат қилиш, саволлар қўя олиш, тўлдириш, саволларга жавоб бериш).

Ахлоқий маданият (фарқлаш): —меҳнатсеварлик-дангасалик, ростўйлик,

—ёлғончилик, масъулиятлилик-масъулиятсизлик тушунчаларидан мисоллар келтириш зарурдир.

Ана шу кўрсаткичлар орқали топшириқлар, тестлар ишлаб чиқиладди. Қайд этиб ўтилган бундай ёндашувлар, бизнинг фикримизча, давлат таълим стандартларини яратишда бошланғич таълим босқичи битирувчиларнинг саводхонлик даражасига таъриф бера оладиган ва Ўзбекистон Давлатининг "Таълим тўғрисида"ги қонунини бажаришда асосий меъёрий ҳужжат бўлиб қолиши мумкин.

Юлдуз АМИРЖОНОВА,
РТМ етакчи методисти

РЕЙТИНГ ЎҚУВЧИЛАРДА РАФБАТ УЙФОТАДИ

Биз биламизки, юртимизда истиқлолга эришган илк кунларданок таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор берилаётган. Бунинг асосий сабаби, мактабда баркамол авлод — янги замон бунёдкорларини воғда етказишдир. Бу эса биздан ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим беришимизни талаб қилади. Шу боис бугунги кунда умумтаълим мактабларида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланилаётган. Бу технологиялардан бири — ўқувчилар билимининг баҳолашнинг рейтинг тизимидир.

Ўқувчиларнинг билим даражаларини баҳолаш ва назорат қилишда рейтинг тизимининг қўлланилиши мураккаб, ҳар томонлама ўқув, тарбиявий-таълимий жараён бўлиб, у ўқувчиларга фаний билим бериш, уларни истиқлолимиз руҳида тарбиялаш билан бирга, ёшларнинг интилишини ривожлантириш каби вазибаларини ҳам илгари суради.

Мана бир неча йил давомида бу усулни қўллаш бўйича мактабимиз ўқитувчилари анча таърибага эга бўлдилар. Бизнинг Косон туманининг Мўдин қишлоғида жойлашган Ҳабиб Абдуллаев номидаги 57-мактабда авлодларга оғишмай таълим бераётган устозлар талайгина. Шу-

ларнинг энг изланувчани 1-тоифали математика фани ўқитувчиси Муаззам Халиловадир, десам янгиликлариман. У 6-«Б» синфда икки ўқув йилидан буён синф раҳбари вазифасини аъло даражада уддаламоқда.

Ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2000 йил 31 июлдаги 145-сонли "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимининг назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғриси-

Sinab ko'ring

сида"ги муваққат Низомга асосланиб, ўқувчиларнинг билимининг баҳолаб бормоқда. Рейтинг назорат ҳисоботини эса куйидаги жадвал—ойнада, йиғмасини синфнинг "Рейтинг назорат ойнаси" бурчагида чиройли кўргазма тарзида илбик қўйган. Бунда бир ўқув йилида ҳафтасига бир соатли дарс учун 100 балл, 2 соатли дарсларда эса максимал 200 балл ва ҳоказо тарзида ҳисобланиб, ўқувчи ҳафтасига 1 соатлик дарс бўйича 1-чорақда максимал 25 балл тўплаши лозим бўлишини ўқитувчи ўқув йили бошидан тушунтиради.

1-чорақ рейтинг куйидагича тузилади (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўқувчилар билимининг ва ҳар бир ўқувчининг чорақ давомида йиққан балларининг йиғиндисини ҳисоблаб чиқиб, ўқув балларини оддий усул билан кўрсатилмоқда. Ўқув йили якунида эса 4 чорақдаги барча йиқилган баллар жамланиб, энг юқори кўрсаткич бўйича ўқувчининг ўзлаштириш даражаси тартиб билан белгиланади. Ўқувчининг ўзлаштириш балларини энг юқорисига кўра 1-ўриндан 23-ўрингача ўқувчилар сурати билан "Рейтинг тасвир ойнаси"га куйидагича кўрсатмалар қилиб деворга илинган.


(2-жадвал).

Тасвир ойнасидаги суратлар ҳар чорақда энг юқори балл олган ўқувчига нисбатан ўзгартириб борилади. Чорақ якунидаги энг фаол ўқувчи синф раҳбари томонидан кичик бир совға билан рағбатлантирилади (бу совға синф маблағидан ташкил қилинади).

Ўқув йили якунида эса куйидагича "Якуний жадвал" асосида ўқувчининг йиллик ҳақиқий рейтинг чорақлар бўйича ҳақиқий баллар йиғиндисини сифатида ҳисобланади. Бу ерда энг юқори балл йиққан

2-жадвал

РЕЙТИНГ ТАСВИР ОЙНАСИ



Эй ўқувчи, сен келажак эгасисан!
Билим ол, ҳунар танла!

Ўқувчининг якуний рейтинг мисол тарикасида келтирилган.

Рейтинг (яқун) = $(790+759+761+740):3050 = 100\%$

Куйида худди шу тартибда 6-«Б» синф ўқувчиларининг 2000-2001 ўқув йили бўйича барча фанлардан ўзлаштириш рейтинг илова қилинади (3-жадвал).

Биз шундай кўринишда таълим ва тарбияга изчил ноънанавий ёндашсак, ўқувчининг билимининг худди ойнадагидек акс эттириб қўйсак, янги педагогик технологиянинг асосий мақсади ва вазифасини бажарган бўламиз. Бу технологияни амалга ошириш учун ўқитувчилардан, айниса, синф раҳбарларидан кўп масъулият ва куч сарфлашни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда,

Муаззам Халилова бу борада чуқур изланаётган устозлардан дидир.

Устозлар билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатадики, рейтинг тизимини жорий этиш натижасида ўқувчиларнинг дарслардаги фаоллиги, мустақил ишлаш савиясининг ошганлиги, ижодий изланишлари учун қулай шароитларнинг вужудга келиши, ўқишга бўлган муносабатларнинг тубдан ўзгариши ва бошқа жиҳатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Светлана НУСУРОВА,
Косон туманидаги
57-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

1-жадвал

№	Ўқувчиларнинг исми ва шарифи	Она тили	Адабиёт	Математ.	Ўзбек халқ тарихи	География	Биология	Рус тили	Инглиз тили	Тасвир санъат	Музыка	Ж/т	Меҳнат	Физика	Жаҳон тарихи	Ватан туйғуси	Йўл ҳаракати	Жами балл
1	Амирова Ситора	98	50	103	25	50	75	49	73	23	25	45	50	50	25	25	24	790
2	Жалилова Раиса	77	45	82	23	44	61	38	50	21	24	40	48	35	24	21	22	655
3	Жумаева Кафия	94	49	86	23	50	69	43	68	23	25	35	50	49	25	25	24	733
4	Жумаева Обруй	77	41	68	15	31	56	34	51	19	21	35	45	33	21	20	20	587
5	Имомов Бекзод	78	42	79	18	53	58	34	62	23	25	36	44	45	23	23	22	645
6	Мангитова Наргиза	82	34	63	18	44	53	32	46	21	24	35	40	38	19	20	22	591

3-жадвал

Ўқув йили бўйича якуний рейтинг баллари

№	Ўқувчининг исми ва шарифи	Чорақлик баллари				Умумий бал	Ўқув йили бўйича яқун	Даражаси	Ўрни
		I	II	III	IV				
1	Амирова С.	790	759	761	740	3050	100	III	1
2	Жалилова Р.	655	640	654	635	2584	80	II	4
3	Жумаева Н.	733	738	676	730	2877	94	III	2
4	Жумаев А.	587	589	579	575	2330	76	II	5
5	Имомов Б.	645	655	631	650	2581	84	II	3
6	Мангитова Н.	591	582	569	575	1317	43	0	6

ТАХРИРИЯТДАН: маълумки, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими таъриба-синовдан ўтказилаётган. Бироқ ҳали бу борада ҳар хил қарашлар мавжудлиги ҳамда аксарият амалиётчи ўқитувчиларнинг норозилиги боисидан бирон-бир тўхтамага келингани йўқ. Фидойи, янгиликка интилувчан ўқитувчиларимиз "Ўқувчилар билимининг назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги муваққат Низом" ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Чунончи, бу фикрлар ранг-баранглиги билан аҳамиятлидир. Ўйлаймизки, булар эндиликда рейтинг бўйича ягона тизим яратишга имкон ярагади. Қувонарлиси, жойлардан олинаётган хатларда фикр бор. Муҳими, янгилик устида ишлашга истак, иштиёқ бор. Умуман, рейтинг ҳақида асосли фикрлар акс этган мақолаларни берар эканмиз, бу борада иш олиб бораётган мутахассислардан маъмур масалага муносабат билдиришларига умид қилиб қоламиз.

ЎҚИТУВЧИ ШУНДАЙ БЎЛСА!

Кейинги пайтларда олий ўқув юртларига кириш учун "репетитор" ёллаш, тайёрлов курсларида билим олиш кенг ёйилди. Кимлардир соати-га фалон сўмдан абитуриент тайёрлаётган бир пайтда 35 нафар йигит-қизларни бепул, беминнат ўқитаётган икки нафар ўқитувчининг иш фаолиятлари бизни қизиқтирди.

Сўз юритмоқчи бўлганим, қашқадарёлик Қудрат ака Тошбобоев ва Озода опа Бобомуродовалар Яккабоғ туманидаги 2-лицей-интернатининг жонкуяр ўқитувчиларидир. Бу икки муаллим уч йилдирки, лицей битирувчиларини Тошкентга олиб келиб, турар жой олиб, уларни турли олий ўқув юртларига тайёрлаш билан машғуллар. Биргина ўғил ёки қизининг ҳужжатларини тайёрлаб, қабул комиссиясига топшириш, имтиҳонга қадар бўладиган югур-югурларнинг ўзи ота-онадан анча вақт, сабр-тоқат талаб қилади. Ўқувчиларини ўз боласидай кўрган Қудрат ака 35 ота-онанинг шундай вазифасини ўз зиммасига олишининг ўзи катта гап. Фарзандлари ёш бўла туриб устози билан бирга лицей шаънини ҳимоя қилаётган Озода опа эса, йигит-қизларнинг хулқ-атвори, емоқ-ичмогини назорат этишдан ташқари она тили ва адабиётни фанидан мунтазам дарс ўтиб, уларни тест ишлашга, қоидалар ва шеърини санъатларни чуқур таҳлил қилишга ўргатади.

— Тил бўйича тайёрлаган ўқувчиларимнинг деярли ҳаммаси талаба

бўлишмоқда. Бу йил ҳам ўқувчиларимдан умидларим катта, — дейди Озода опа биз билан суҳбатда.

Абитуриентларнинг айтишича, уларнинг тарих фанига зоят қизиқишларининг сабаби, Қудрат аканинг моҳир педагогик услублари, қизиқарли машғулоти, ўз навбатида, қаттиққўл ва талабчанлигида экан.

Лицей директори ҳам устоз ва шогирдининг иш фаолиятларидан мамнун эканини, Қудрат акага олий тоифали, Озода опага эса биринчи тоифали ўқитувчи унвони берилганини ҳам айтиб ўтди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кўпчилик "ўқитса, пулини олади-да" дейди-ю, лекин олис жойда, оиласидан йироқда шогирдлари келажаги, таъбишлари билан яшашнинг ўзи бўладими?

Лицейнинг ютуғини ўзининг ютуғи биллиб, ўқувчиларнинг порлоқ келажagini кўзлаб хизмат қилаётган бу ўқитувчилар саъй-ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Синов кунлари яқинлашаётган шу кунларда абитуриентлардан ҳам ортиқ ҳаяжонга тушаётган Озода опа ҳам, Қудрат ака ҳам юзлари ёруғ бўлишини Олоҳдан сўраб, тайёргарликни яна ҳам кучайтирмоқдалар. Республикамининг нуфузли олийгоҳларига топширилган ҳужжатларнинг биронтаси ҳам қайтариб олинмаслиги улар учун энг олий бахтдир.

Муножат МҲМИНОВА

Ofarin

Болалигида ёз фаслини севмаган, уни интиқ кутмаган кишининг ўзи бўлмас керак. Ахир мактабдан таътилга чиқиб, сўлим оромгоҳларда дам олишнинг, тоғларда сайр қилишу тошдан-тошга урилиб ўйноқлаб оқаётган зилол сувларда чўмилишнинг ўзгача гапти бор, албатта.

Шу кунларда Бўстонлик туманининг баҳаво масканларидан бири ҳисобланган "Алоқачи" болалар оромгоҳида айтиш мумкинки, болалар ана шундай табиат

болаларимиз эрта-га мактабларига янги куч ва ғайрати билан боришсин.

Дарҳақиқат, оромгоҳни кўзатар эканмиз, у ердаги фарзандларимизга яратилаётган шарт-шароитлар бизни қувонтирди. Айниқса, оромгоҳда ташкил этилган маънавият ва маърифат хонаси эътиборимизни тортди.

— Маънавият — инсоннинг камолотини белгиловчи мезон — деди марказ раҳбари Абдунаби Орипов. — Шундай экан, ёшларимиз

Yoz — o'tmoqda soz!

айланиб улгурган. Кутубxonанинг яна бир эътиборли томони шундаки, унда жой олган кўлаб бағий китоблар қаторида илмий адабиётлар ҳамда Президентимиз Ислам Каримов томонидан юртимиз иқтисодий-сиёсий салоҳиятини юксалтиришга бағишлаб ёзилган 86 та асарлари ва рисоаларининг ҳам кўргазмаси ташкил этилгани, улар ёшларимизнинг маънавиятини янада бойитиш-

ОРОМГОҲДА — МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

қучоғида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.

— Оромгоҳимизда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ёшлар қаторида 151 нафар Орол бўйи ўғил-қизлари ҳам ёзга кўнгулдагидек ўтказишмоқда — деди биз билан суҳбатда оромгоҳ раҳбари В. Московцев. — Биз бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофазасига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш учун барча имкониятларни қидирмоқдамиз. Зеро, оромгоҳимизда дам олиб қайтган

қанчалик маънавиятли бўлса, шунчалик илмга чанқоқ, Ватанга содиқ комил фарзандлар бўлиб вояга етишади. Китоб эса комилликка элтувчи кўприк ҳисобланади. Шу боис биз ҳозирда имкон қадар кутубхоналаримизни бойитиб, ўқувчиларимизнинг таътил вақтида ҳам китоб билан ҳамisha ошно бўлишларига кўмаклашмоқдамиз.

Ҳа, устоз ҳақ гапни айтдилар. Зеро, китоб инсоннинг ажралмас дўсти. Мазкур оромгоҳдаги маънавият ва маърифат хонаси эса бир сўз билан айтганда ўша, дўстларнинг учрашадиган, сирдош бўладиган масканга

да муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, оромгоҳда «Шарқона экспресс», «Шеърят гулдаси сенга арғумон, Мустақиллик!» номи кўлаб бағий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилаётгани дам олувчиларга олам-олам завқ бағишлаётган экан. Яхши дам меҳнатга ҳамдам, дейди доноларимиз. Ўйлаймизки, бугун мириқиб ҳордиқ чиқараётган ёшларимизнинг дам олишлари уларнинг келгусида аъло баҳоларга ўқишларида хизмат қилади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига ҳамда инсон коинотга қадам қўйган биринчи парвозининг 40 йиллигига бағишлаб, яқинда Самарқанд шаҳрида XIII халқаро Аэрокосмик мактаб (ХАКМ-2001) ўз ишини бошлади. Унинг ташкилотчилари "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигидир.

— Энг иқтидорли ёшларнинг конструкторлик, космик технология бўйича билимларини чуқурлаштириш мақсадида очилган мактабнинг бу йилги мав-

Ta'tildagi tadbir

физистон, Озарбайжон мамлакатларидан юқори синф ўқувчилари ҳам қатнашишади.

Иштирокчилар асосан 14-16 ёшли болалар. Улар махсус дарсларни осон ўзлаштириш учун, дастлаб биология, математика, физика ва кимё фани бўйича тайёргарлик кўришган. Ушбу курсларда қатнашиш учун эса барча хоҳловчилар тест синовидан ва Халқ таълими вазирлигида суҳбатдан ўтишган.

Дастурнинг бундай босқичларда

САМОНИ КЎЗЛАГАН БОЛАЛАР

сумида 1 маърузани Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти Б. Юлдашев олиб борди — деди ХАКМнинг ташкилий қўмита раиси Ш. Воҳидов. — Йигит қизларимизнинг физика ва кимё фанидан умумтаълим мактабида оладиган билимлари давлатимизда авиаконструкторлик соҳасини ва компьютер технологиясини ўрганиш учун етарли эмас. Ёшларга ўз билимларини тажрибада синаш учун имконият яратиш лозим. Бу имкониятни эса ХАКМ бера олади.

— Мактабда кимлар иштирок этади?

— Мактаб фаолияти давомида 50 га яқин йигит-қизлар авиасозлик ишлари космик технологиялардан сабоқ оладилар.

Ўқувчиларнинг асосий таркиби ўзбек ёшларидан иборат. Улардан ташқари, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қир-

амалга оширилишига сабаб таълимнинг самарасини оширишдир.

— Иштирокчилар ўқиш давомида маърузалардан ташқари, яна нималар билан машғул бўлади.

— ХАКМ иштирокчилари ўтилаётган дарсларни ўқиб, олишлари мақсадида мактаб фаолияти давомида махсус конкурслар ўтказилади. Масалан, космик кемаларни коинотга учуришнинг экологик зарарсиз лойиҳаси, орбитал станциялар лойиҳаси, сайёралараро космик ракеталар лойиҳаси ва бошқа бир қанча мавзулар бўйича ўқувчилар мустақил иш олиб бориб, ўз лойиҳаларини ҳимоя қиладилар.

Энг яхши лойиҳалар ХАКМ ижодий музейидаги кўргазмадан жой олади. Болаларнинг қилган саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланади.

Нозима МУРАТОВА,
ЎЗМУ талабаси.

МЕҲРИБОНЛИК МУРАББИЯЛАР

Юртимизда азалдан оила қадрлиниб келинади. Янги асрни ҳам оналар ва болалар йили билан бошлашимизда бир мажозий маъно бордек. Дарҳақиқат, болани гўдаклигида жисмоний, маънавий жиҳатдан тарбиялаш керак. Билъакс айрим оналар эса ўз фарзандларидан воз кечиб, меҳрибонлик уйларида ташлаб кетмоқда. Нима учун шундай бўлмоқда? Нима учун ўз фарзандидан юз ўгирмоқда? Буни билмадиму, лекин гўдак улғайганда кимни она деб атайди? Шунга ҳайронман?

Шукрки, бундай болаларни ўз бағрига оладиган "Меҳрибонлик уйлари" бор.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Ҳ.Низий номи 1-меҳрибонлик уйида 16 ёшгача бўлган 268 нафар бола тарбия олмақда.

Ачинарлиси, болаларнинг сони кундан-кунга кўпаймоқда. Болалар оналик меҳрига зор ва интизордир. Лекин меҳрибонлик уйида болаларнинг бошини силайдиган, улар учун жон куйдирадиган раҳбар Раида Юлдашева, фидойи инсон Сон Светлана каби оналар бор.

Меҳрибонлик уйида турли миллатта мансуб болалар тарбия олмақда. Болалар учун компьютер саводхонлиги, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, дурадгорлик, кўшиқ, ўйин, расмчилик каби тўғарақлар ишлаб турибди.

Ўтган йили 9 нафар болани, бу йил эса 7 нафар болани суннат тўйи, 24 нафар болани мучал тўйлари ўтказиб берилди. Бундай тадбирларни ўтказишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Хўжайли тумани ҳокимлиги, маҳаллий корхоналар ҳомийлик қилиб келишмоқда. Тарбияланувчилар ҳар йили ёзда Тошкент шаҳридаги оромгоҳларда, Эллиққалъа туманидаги "Камалак" оромгоҳида, Нукус шаҳридаги "Тўмарис" санаторийларида дам олиб қайтаяптилар. Ўтган йилдан бошлаб Нукус шаҳридаги ЮНИСЕФ томонидан ташкил этилган "Прогресс" мактабида 70 нафар тарбияланувчига инглиз тилидан дарс берилмоқда.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига оналик, ҳам оталик қилиб, ўз меҳнатларини аямай келаётган мураббийлардан Олтин Ўразбаева, Амангул Холмухамедова, Сон Вячеслав, Роза Шатиповалар бола кўнглини тушунадиган инсонлардир.

Бундай меҳрибар меҳрибонлик мураббийлар меҳнатлари сабаб, ҳозирда улар тарбиялаган болалар университет, институт, коллеж, лицейларда ўқимоқдалар.

Тозагул ҚУРБАНИЯЗОВА,
меҳрибонлик уйининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Сиз истеъдодли актёр Беҳзод Муҳаммадқаримовни ўйнаган роллари орқали яқиндагина кашф қилдингиз. Истеъдоднинг "ярқ" этиб кўзга ташланишини бу актёр тимсолида кўрдингиз, билдингиз.

Беҳзод Муҳаммадқаримовнинг ички дунёси қандай? Образларни яратиш устида қандай иш олиб бориши, албатта, сизни қизиқтирса керак. Қуйидаги суҳбат ана шулар ҳақида.

— Санъат—катта олам, унда ўзига хос ўринга эга бўлган театр санъатининг нимаси сизни ўзига тортади?

— Албатта, санъатнинг сеҳр кучи катта. Болалигимизда орзулар денгизиде сузиб юрамиз. Учувчини кўрсак учувчи, ҳайдовчини кўрсак ҳайдовчи бўлгимиз келарди. Шулардан бўлса керак, кинофильмлар кўрганда ҳам актёр бўлишни орзу қилганман.

Кейинчалик 80-йилларда "Ўзбекфильм" студиясида киноактёрликка саралаб олиш учун танловга иштирок этган эдим. Киноактёрликка истеъдодли ва иқтидорли йигит-қизларни саралаш танловида, тахминанча 20-30 киши қатнашганди. Шундан сўнг танлов ҳайъатининг маслаҳати билан Турғун Азизов етакчилик қилаётган курсга ўқишга кирганман.

Институт талабаси бўлганимдан сўнггина сахна, актёр маҳорати, образ яратиш ҳақидаги тушунчаларим кенгайган. Театр ва рассомлик (ҳозирги Санъат) институтини битириш арафасида менинг қарорим янада қатъийлашди.

Афсуски, институт йўлланмаси билан борганимизда, Ҳамзадек отахон театрнинг бундай талабларига жавоб бера олмас эдик. Сўнгра бир йилча сатира театрида ишлаб, анча мунча шаклланиб олдим. Кейинчалик Ҳамза театрига саралаш босқичида қатнашиб, лойиқ топилдим ва ҳозиргача ана шу театрда эл севган машҳур актёрлар билан халқимга хизмат қилмоқдаман.

— Сиз нафақат театрда, балки кинода ҳам асосий ролларни ўйнайсиз. «Буюк Амир Темури» даги Амир Темури, «Ўтган кунлар» даги Отабек ва бошқа қатор образлар томошабинлар эътиборига тушди. Бу ролларни яратиш, албатта, сиздан сабр-чидам талаб қилгани аниқ. Бу борадаги машаққатли жиҳат нимада бўлди, деб ўйлайсиз?

— Амир Темури образини ўйнашга ўзимни муносиб деб топганимча кўп иккиланган бўлган. Чунки Амир Темури буюк шахс, у ҳар кимнинг юрагида ўзига хос сиймо ва улар ҳар хилдир. Ундан ташқари руҳи қабул қилармикан деган ўйловлар ҳам мени тинч қўймас эди.

Мен ўз олдимга мақсад қилиб қўйдимки, ўша сиймолар яхлит образга айланиши ва буни томошабин қабул қилиши керак. Аввалига суратга олиш жараёни бошқа актёрлар билан бошланган эди. Сўнгра икки актёр алмашгач, учинчи бўлиб, мени таклиф қилишди. Ва мени суратга тушириш майдончасига этиб келишим тасодифан 9 апрелга, яъни бобомизнинг туғилган саналарига тўғри келиб қолди. Бундай ҳодисанинг ҳам ўзига хос хосияти бўлса керак, деган фикр менга далда бериб, ишни бошлаб юбордим. Тасвир жараёнида ҳам шу ролни тўлақонли чиқишига имкон берадиган тасаллилар бўлди. «Буюк Амир Темури» да соҳибқироннинг 34 ёшига қадар бўлган даври кўрсатилган. Улкан орзуим эса йиллар ўтиши билан унинг кейинги ҳаётини ҳам образда акс эттиришдир. Шунингдек, Отабек образини яратишга журъат этолмаганимнинг сабаби ҳам биринчи таассуротнинг, яъни Отабек деса Ўлмас Алихўжаев, Кумуш деса Гулчехра Жамилваларни нафақат томошабиннинг, балки менинг қалбимда ҳам ўрнашиб қолгани бўлди. Аммо Отабек ролини ўйнашдан бош тортишимга режиссёр қатъий эътироз билдирди. Масалан, мумтоз асар-

Меҳмонхона



билан боғладим, яъни актёрлик касбига бағишладим. Ота-онамдан бир умр розиман. Ака-укаларим ҳам кам бўлишгани йўқ.

— Ҳамма нарсанинг биринчиси яхши, дейишди. «Ўтган кунлар» фильми икки вариантда ишланди ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Сиз ўзингиз бош ролни ўйнаган вариант билан аввалгисини солиштирган бўлсангиз керак. Ва қайсидир маънода биринчи Отабекнинг кейинги Отабекдан устун турадиган жиҳатларини илғаганмисиз? Ёки аксинча?

— Ижро даражасини актёр маҳорати белгилайди, ҳукм

актёр, Халқ артисти Турғун Азизов ҳамда Мунаввара Абдуллаевалар кўлларида таҳсил олдим. Улар мени актёрлик сирларидан воқиф қилишди. Ҳозирги кунда ҳам Турғун Азизов менга устозлик қилиб келмоқдалар. Улар яратган асарларда мен ҳам актёр, ҳам ҳамкор сифатида сахнада ишляпман.

— Битта ролнинг маромига этиши учун қанча вақт лозим бўлади? Актёр учун, менимча, қувваи ҳофиза, яъни хотиранинг тиниклиги бирламчидир. Хотирани мустаҳкамлашда нималарга эътибор берайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам актёр хузур-ҳаловатдан воз кечмас, ўзининг "мени"дан чиқиб рол ўйнамаса, томошабин қабул қилармикан? Асосий мақсад, сўз ва матнларни ёдлаш эмас, балки сўзни томошабинга асл моҳиятини етказишдан иборат.

Актёр инсон ёдламайди, балки унинг образ ишлаш жараёнида ўз-ўзидан унинг хотирасига ўрнашиб қолади. Шунингдек, ҳар бир асар ғоясини томошабинга сингдиришда кўп ҳаракат қиламиз, сўзни айтишни тинимсиз ишлаймиз, натижада барча матнлар яна ўша хотирада муҳрланади. Асосий мақсад, албатта, томошабинга

МУАЛЛИМЛАР ХОНАДОНИДА УЛҒАЙГАН АКТЁР

лар бўлмиш "Гамлет" ёки "Отелло" образлари ҳар қайси давлатда ўз замонасининг актёрлари томонидан кўплаб сахналаштирилган, қолаверса, экранлаштирилган. Шу боис "Ўтган кунлар" ҳам дурдона асар сифатида ҳар бир авлодни бўлиб қолиши даркор. Хуллас, шундан сўнг Отабекни ўйнашга рози бўлдим.

— Сиз туғилиб улғайган оила муҳити қандай эди? Ота-онанинг фарзандларга, фарзандларнинг бир-бирга муносабати ҳақида тўхталсангиз?

— Албатта, инсоннинг камол топишини оиласиз тасаввур этиш мушкул. Раҳматлик онам, ҳозир суянгимиз бўлган отам ҳам жуда санъатни қадрлайдиган инсонлар эди. Улар кўп йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашди ва тўрт ака-укани санъатнинг турли соҳаларига қизиқтириб улғайтиришди. Расм ва мусиқа тўғарақларига қатнашдан эринмасдик.

Гарчанд ота-онам ўзлари санъат соҳасида ишламасалар ҳам, ўз фарзандларини санъат сирларидан воқиф ҳолда тарбиялашга аҳамият беришарди. 8-синфга қадар Глиэр номидаги мусиқа мактабиде, сўнгра Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўқиб, ниҳоят театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим ва ҳаётимни санъатнинг бу тури

эса томошабинники. «Ўтган кунлар» асари мавзуга бой асар. Эътибор берган бўлсангиз, биринчи фильмда асосан Отабек ва Кумуш-бибининг муҳаббатига кенг тўхталган. Бунга, албатта, ўша давр сиёсий муҳити ҳам сабабчи бўлган.

Лекин кейинги фильмда, мустақиллик берган кенг имкониятлардан фойдаланилган ҳолда асарнинг бошқа мавзуларини очишга ҳаракат бўлган. Яъни роман ғоявий мазмунидан кўпроқ фойдаланилди. Ана шуларнинг натижаси ўларок, Отабек ўша даврнинг мураккаб бир шахси сифатида холи гавдалантирилди. Айниқса, Зайнаб образига иккинчи фильмда кўпроқ эътибор берилган. Фильм бошидан Зайнаб салбий образ сифатида кўрсатилмай, аксинча ижобий образ бўлиб гавдаланади. У энг обрўли хонадоннинг қизи, севишга, севилишга ҳақли, ўз ҳуқуқларининг топталишига қарши жон-жаҳди билан курашади. Хуллас, Зайнаб ўша муҳит қурбони сифатида кўрсатилиб, даврни бор бўй-баста билан очиб беришга хизмат қилган. Ҳар иккала фильм ҳам яхши ишланган деб ўйлайман.

— Ҳар қандай соҳада устоз-шогирдлик муносабатлари бор? Сиз кимни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Устозларим таниқли

асар ғоясини сингдиришдир.

— Томошабинлар сизни дубляжда ҳам кўп учратишди. Дубляж санъати ҳақида нима дея оласиз ва биринчи дубляждаги ролингиз?

— Дубляж санъати ҳам ўзига хос мураккабдир. Ҳаммамизга маълумки, ўзбек дубляж санъати кўп йиллар мобайнида ўз маҳсулоти билан қанчалик юксак даражада эканлигини исботлаб келган. Бунинг учун биргина "Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради" фильмини эслаш kifоя.

Марҳум Наримон Латипов, Валентина Ғозиева, Ҳамза Умаров каби машҳур актёрлар кўп йиллар давомида ўзбек дубляжини юксакларга кўтариб келганлар. Бугунги кунда ҳам Мукамбар Раҳимова, Обид Юнусов, Ёқуб Аҳмедов, Тўлқин Тожиевлар уларнинг ишларини зўр маҳорат билан давом эттирмоқдалар десак, муболага бўлмайди. Менинг биринчи дубляждаги ролим ўзим ўйнаган ролга овоз беришим бўлган. Шундан сўнг режиссёрлар менга эътибор беришиб, катта ролларни ҳам ишониб топширишди. Ва дубляждаги биринчи катта ролим 1988 йил "Игна" фильмидаги бош қаҳрамонга овоз беришим бўлди. Бош ролни эса машҳур кўшиқчи Виктор Цой ўйнаган эди.

— Актёрлик бахти ва ма-

шаққати тақдирингизга битилганидан мамнунмисиз?

— Ҳар ким кўлидан келган ишга урингани маъқул. Мен ҳам шунинг учун, аввало, ўз касбимни севганимдан, қолаверса, уни уддасидан чиқаётганимдан ва кимдир бундан мароқланаётганидан жуда мамнунман.

— Турмушнинг бизга берадиган сабоқлари кўп. Инсон ҳаётда дўстлар орттиради, улар билан борди-келди қилади. "Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтиб бераман" деган гап ҳам бор. Дўстларингизга муносабатингиз қандай ва улар билан дийдорлашиб турасизми?

— Дўстлик ҳақида шоир Эркин Воҳидовдан яхши фикр айтган киши бўлмаса керак!

Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам,

Дўст қадам босмас экан, вайронадир қошона ҳам.

Институтда бирга ўқиган курсдошларим дўстларимнинг кўпчилигини ташкил этади ва улар билан бирга ижод қилиб келаман. Мирзабек Холмедов, Абдураим Абдуваҳобов, Равшан Жўраев, Мадина Мухторова, Ботир Муҳаммаджонов, Фатхулла Маъсудов, Фотиҳ Жалолов, Шавкат Толипов ва ҳоказо.

Театр, репетиция, шахсий ҳаёт, тўй-маърака, хуллас, ҳаммаси шу дўстларим билан. Яхши кун бор, ёмон кун бор, инсон дўстига, ёрбиродаларига таянади, уларнинг маслаҳати ва мададидан куч олади. Халқимизда бир гап бор: "Дўстинг мингта бўлса ҳам кам, душманинг битта бўлса ҳам кўп".


— Болалик дамларига қайтингиз келадими?

— Юракни ўртовчи савол бердингиз? Албатта, бу ҳеч қачон амалга ошмайдиган орзу. Бошланғич синфда дарс берган муаллим Раъно опани, Глиэр номидаги мусиқа мактабиде ўқитган устозим Фаррух Нурусмоновни, Муҳаббат Умаровнани, раҳматлик Убайдулла Ғофуровларни эсламай, уларнинг менга қилган яхшиликларини тан олмай бўладими?

Ҳаётда ўқитувчилик алоҳида касб, унинг меҳнати шогирдлари камолида кўринади. Аслида эса ҳаммамиз ҳам кўлимиздан келган ёрдан билан кимгадир муаллимлик қиламиз. Шундай бўлгач, ўқитувчиликнинг орқасидан иззат-обрў топаётган кишилар омон бўлишин! Касбу-корларига Оллоҳ барака бераверсин!

— Сизнинг ижодингизга ҳам барака тилаб, образларингиз янада кўпайишини истаб қоламиз.

Хулкар ТҶИМАНОВА
суҳбатлашди.



Мана, бир-неча кундан сўнг мамлакатимиз урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ишлари якунланади. Жойлардаги қабул ҳайъатларида бу борада ишлар айнави авж олган бир пайтда пойтахтимиздаги Миробод саноат касб-хунар коллежида бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар билан танишдик.

— Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган барча саволларга қабул ҳайъати аъзоларининг ҳар бири батафсил жавоб беришмоқда, — дейди масъул котиб Саъдулла Жовлиев. — Талабалikka даъвогарлар учун ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар ҳам яратилган. Бу йил бултурги тикувчилик ишлаб чиқариш, умумқурилиш ишлари, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси, ЭХМ ва компьютер тармоқларини урнатил ва ишлайтиш, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби каби мутахассисликлардан ташқари, янгидан ҳуқуқий ҳужжат фаолияти, ДАН ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти йўналишларини ташкил етаяпмиз. Шундан бўлса керак, бу йилги қабул жараёни анча юқори даражада ўтмоқда. Бунда ўқитувчиларимизнинг мактабларга тез-тез ташриф буюриши, битирувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида алоҳида жонбозлик кўрсатганликлари, Ўзбекистон

КОЛЛЕЖГА АНИҚ МАҚСАД БИЛАН

радиоси ва матбуотда берган эълонларимиз самараси улароқ коллежда мавжуд 8 та йўналиш бўйича умумий қабул режаси 400 урин бўлса, айна кунда бу кўрсаткич деярли бажарилди.

Мазкур илм масканига ҳужжатларини топшираётган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари билан қисқача суҳбатлашдик.

Акбар ЗОЙИРОВ, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 8-мактаб битирувчиси:

— Мазкур коллежнинг сиртки бўлимида акам таҳсил олади ва у менинг бу ерга келишимга бош сабабчидир. Спортнинг миллий кураш тури билан анча вақтдан бери шугулланиб келатганлигим боис бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси йўналишига ҳужжатларимни топшираётман. Келгусида замонавий шароитларга эга бўлган бу масканнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Замира МАШАРИПОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 40-мактаб битирувчиси:

— Менинг ҳам катта опаларим шу ерда тикувчилик касбини эгаллашган. Ҳозир ўзимизда ҳуссий тадбиркорлик билан шугулланишяпти ва ишлари жуда яхши кетаяпти. Буюртмалар кўп, опаларимнинг касб малакаларининг юксалишида мазкур даргоҳ ўқитувчиларининг ҳиссаси кўпчилигини ҳисобга олишиб, ота-онам мениям шу ерга олиб келишди.

Ҳамиджон ШОНАЗАРОВ, Тошкент вилояти Паркент тумани қасалхонаси рентгенолог-шифокори:

— Ўғлим Эркинжоннинг ҳужжатларини ЭХМ ва компьютер тармоқлари устаси йўналишига топширдик. Сабаби, бу йўналишни битиргандан сўнг ўғлим олдида кенг имкониятлар пайдо бўлади. Янги информатика асрида бу каби мутахассисларга ҳаётимизнинг барча соҳасида иш топилади. Қолаверса, эртага ҳарбий хизматта қақирганида ҳам мутахассис сифатида хизмат қилади. Келажакда ўғлимнинг салоҳиятини тиббиёт соҳасида компьютер дастурларини тузишга йўналтириш ниятимиз ҳам бор.

Нурлан УСМОНОВ, "Маърифат" муҳбири

Суратда: қабул ҳайъати масъул котиби С.Жовлиев ўқувчилар ҳужжатларини кўздан кечириётир.

Бурхон РИЗО олган сурат.

Jarayon

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИНИ КЎЗЛАБ

Миллий дастур қабул қилинганидан сўнг юртимизнинг кўпгина гўшаларида халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада қатор академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари очилди. Уларнинг давлат миқёсида ўтказилган очилиш маросимлари мазкур масаланинг нақадар оламшумул аҳамият касб этишини яна бир бор кўрсатиб берди.

Муҳтарам Юртбошимиз "Коллежлар нафақат билим маскани, балки биз юртимизга келадиган меҳмон ва сайёҳларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган муҳташам иншоотлар бўлиши лозим!" деган эди.

Шундай мўътабар даргоҳлардан бири бўлган Урганч қурилиш касб-хунар коллежи 1999-2000 ўқув йилидан янги маком асосида иш бошлади. Коллеж Урганчнинг марказида, сўлим ва гўзал гўшада жойлашган. Бу ерда ёшларнинг давр талаби асосида илм олишлари, касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Барча ўқув хоналари янги ва қўлай мебель тўпламлари билан жиҳозланган. Олдин ўзимизнинг радиоэшиттириш тармоғимиз ишлаб турган бўлса, эндиликда 4 каналли ички телестудиямизга эга бўлдик.

Ҳаммасидан ҳам муҳим янгилик, бу — ўқув ишлаб чиқариш устахонамизнинг қурилиб фойдаланишига топширилгани бўлди. Бу ерда талабалар 4 та йўналиш: умумқурилиш, дурдорлик ишлари, газ таъминоти жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардоз ишлари бўйича олган назарий билимларини амалда қўллаб, маълум кўникмалар ҳосил қилишлари мумкин.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида янги қурилаётган ва қайта ихтисослаштирилаётган ўқув юрлари сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Жумладан, 2000 йил янги турдаги 100 та академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиши учун Давлат бюджетидан 91,4 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса, 2001 йилда 123 та шундай ўқув даргоҳларининг қурилиши ва қайта таъмирланиши учун 103,5 млрд. сўм режалаштирилган, яъни аввалги йилга нисбатан ўсиш сурати 13 фоизни ёки 12,1 млрд. сўмни ташкил қилган.

Бу ажратмалар миқдори энг ривожланган деб ҳисобланадиган давлатларнинг шу каби кўрсаткичларидан ҳам юқоридир. Айнан мана шу жиҳат сабабли Ўзбекистон таълимида олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида тан олинди.

Олий Мажлисининг аввалги сессияларида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг умумтаълим фанлари ўқув хоналари ҳамда ўқув устахоналарини халқаро андозаларга мос жиҳозлар билан таъминлаш учун 141 млн. АҚШ доллари миқдорига чет эл сармоялари жалб этилаётгани ҳақида ахборот олган эдик. Ҳозирги кунда мамнуитин билан қайд қилиш мумкинки, Корея ҳукуматида ушбу мақсадларга 35 млн. АҚШ доллари миқдорига олинши режалаштирилган асбоб-ускуналардан 23 млн. АҚШ долларига тенг асбоб-ускуналар келтирилиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўрнатилди.

Давлат бюджетидан маориф соҳасига сарфланаётган маблағларнинг бир неча йиллик тахлили ушбу кўрсаткичнинг бир неча йилда ўсиш суръатига эга эканлигини кўрсатишда ва шунинг эъзига таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш имконияти туғилмоқда.

Истиклол йилларида Хоразм вилоятида ҳам бир қанча коллеж ва лицейлар фаолият кўрсата бошлади. Яқин йилларда уларнинг сони янада ошади. Давр талаби шуки, касб-хунар даргоҳларида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳитини ярата олишимиз керак.

1999 йилда Австралияда "Осиё ва Тинч океани минтақасида XXI асрда таълим муассасалари" деб номланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури дунёнинг фақат иккита мамлакати — АҚШ ва Ўзбекистонда мавжудлиги эътироф этилди. Унда бизнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мизнинг тақдими бўлган ва бу дастур ўз илмий салоҳияти, чуқур фалсафий маънога эга эканлиги, узоқни кўзлаганлиги билан халқаро миқёсда тан олинган эди. Демак, халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатни қайта-қайта, изчил, чуқур ўрганишимиз, уни ҳаётга тадбиқ этиш учун бутун куч ва имкониятларимизни, билим ва тажрибаларимизни ишга солишимиз керак.

Ибодулла БОЙЖОНОВ,
Урганч қурилиш касб-хунар коллежи директори, Олий Мажлис депутати

КАСБ-ХУНАР КОШОНАСИ

Бу таълим масканининг ўзига хос мавқеи нафақат Самарқандда, балки қўшни вилоятларда ҳам бор. Бу ерда тайёрланаётган кадрлар мамлакат иқтисодиётининг турли жабҳалари ривожига ҳисса қўшаяпти. Касб ўрганаётганларнинг бўлажак иш жойларидан кўнглиллари тўқ. Чунки коллеж маъмурияти иш берувчилар—молия, солиқ, банк муассасалари ва халқ ҳўжаллигининг бошқа тармоқлари билан ўзаро шартнома имзолашни анъанага айлантирган. Ўқув хоналари, фан кабинетларида энг замонавий жиҳозлар мавжуд. Шу боис Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежига ёшларнинг интилиши кучли. Кўпчилик ота-оналар фарзандлари айнан шу таълим даргоҳида таҳсил олишини, касб-хунар ўрганишини орзу қилишади.

Коллеж биноси ўтган йили тўлиқ таъмирланиб, ҳавас қиларли даражада кўркамлаштирилди. Бунинг учун 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ана шу маблағнинг тўлиқ давлат ҳисобидан ажратилганининг ўзиёқ мамлакатимизда таълим тизимида, ёшлар келажига эътибор нақадар катта эканлигидан далолатдир. Юртбошимизнинг Қамати туманидаги педагогика-иқтисодиёт касб-хунар коллежи талабалари билан учрашувда "Менинг энг буюк орзум—сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқуралидан ҳам фаровонроқ, тўқисроқ яшашига эришиш" деган сўзлари замирида талабалар учун бундай кўркам кошоналар яратишда, таълим соҳасини ривожлантиришда ҳар қанча маблағнинг аялмаслиги муҳасса эмасми?

— Бугунимизни бундан ўн йил олдинги аҳвол билан асло таққослаб бўлмайти, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди, вилоят кенгашининг депутати Валикул Бердикулов. — Коллежмиз биноларининг ташқи кўринишиёқ ҳар қандай кишининг диққатини тартади. Улар бугун ҳақиқий таълим кошоналарига айланди. Собиқ иттифоқ даврида бундай иморатларга эга бўлишимизни, уларда фарзандларимизнинг таълим олишини, касб-хунар ўрганишини тасаввур ҳам қилолмасдик. Эндиликда дарслар илгаригидек оддий кўргазмалар воситалар билан эмас, замонавий компьютерлар, лингафонлар ёрдамида ўтилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислох қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш ишларини ниҳоясига етказиш 1997-2001 йиллар мобайнида амалга ошириш белгилаб берилган. Айнан шу вазифаларга мазкур коллежда қандай ёндашиляпти?


— Бу соҳада мақсадга эришиш Миллий дастур биринчи босқичининг бажарилишида муҳим қадам, — дейди коллеж раҳбари. — Ҳозиргача биз нималар қила олдик? Биринчи гада эътиборимизни таълим олувчиларнинг

юксак тайёргарлик даражасига, уларга етарли шарт-шароитлар яратишга қаратдик. Бу борадаги ҳаракатларимиз самараси кўзга ташланиб қолди. Талабаларнинг фаоллиги, илмга чанқоқлиги, маънавий, маданий ва ахлоқий савияларининг бойиганлиги шундай натижаларни яққол намоён этади. Бири-биридан қизиқарли, бири иккинчисини тақрорламайдиган турли танловларни ҳам талабаларнинг ўзлари уюштиришяпти.

Коллежда моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базаси яратилган. Ўқитувчиларнинг касб малакасини ошириб боришга жиддий эътибор қаратиляпти. Кейинги йилларда олий ўқув даргоҳларида касбий йўналишлари бўйича қайта тайёргарликдан ўтдилар. Коллеж раҳбари эса Корея Республикасида бўлиб, у ердаги таълим жараёнини ўрганиб келди.

Давлат стандартлари даражасида ўқувчилар билимини рейтинг асосида аниқлаш, ўқитувчилар томонидан ўқитишнинг янги педагогик технологияларини жорий этиш таълим самарадорлигини ошираяпти. Мавжуд 23 та тўғарак фаолиятдан талабалар мамнун. Иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида режа асосида машғулот олиб бориляпти. Самарқанд давлат университетининг иқтисодиёт факультети билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Milliy dastur—amalda



Хуллас, коллежда изланиш, янгиликка интилиш кўнглидагидек. Кутубхона, маънавий ва маърифат хонаси, спорт майдони талабаларнинг бўш вақтлари ўтадиган асосий масканга айланган. Ошхона ва ётоқхонада ҳамма шароитлар муҳайё.

Бу таълим кошонасига доимо билимга чанқоқ, касб-хунар ўрганишга иштиёқи баланд ёшлар келишади. Улар шу ерда талабалик завқини суришади, мустақил Ўзбекистонимиз учун муносиб кадрлар бўлиб етишади.

Абдурасул САТТОРОВ
Суратда: коллеж биноси.

ВАҚТ: ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

Каттақўрғон педагогика билим юрти мазкур йўналишдаги билим юртларининг энг тўнғичларидан ҳисобланиб, 1928 йилда ташкил топган. Билим юртида "Бошланғич синф ўқитувчиси", "Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси" ва "Меҳнат таълими ўқитувчиси" бўлимлари мавжуд. Бу билим даргоҳи асосан Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Нарпай, Пастдарғом, Каттақўрғон, Иштихон, Нуробод ва Оқдарё туманларидаги таълим муассасаларига ўрта махсус малакали кадрлар етказиб беради.

Ўзбекистонда мустақиллик тантанаси туфайли таълим-тарбия тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, миллий кадрларни тиклаш, миллий маънавиятни юксалтириш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига эътиборни кучайтириш таълим ислохотининг бош мезонига айланган.

Билим юртида "Маънавият ва маърифат", ўқув ишлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, ижтимоий-гуманитар фанлар уюшмаси, талабалар касаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси, талабалар ётоқхонаси мажмуи мураббийла-



Бу каби суҳбатлар, кечалар, китобхонлар конференциялари талаба-ёшларни эзгуликка чорлаш, уларнинг маънавий салоҳиятини оширишда бизга янги имкониятлар очиб бераётганлиги фикримизнинг далилидир.

Билим юртида барча ўқув гуруҳларини баҳолашда рейтинг назорат тизими жорий этилган. Талабалар билими жорий, оралик, якуний назорат жадвали бўйича баҳоланмоқда.

Дарс сифати ва самарадорлигини оширишда фидойиллик кўрсатётган ўқитувчилардан Х. Хали-

МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ҲАМДА УЎҚИТУВЧИЛИГИ

ри ҳамда кутубхона ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзида халқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва қадриятларни мужассамлаштирган миллий истиқлол ғоясини талабалар онгига сингдириш асосий мақсадларимиздан биридир. Зеро, инсон ўзлигини англаган, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртига муҳаббати ҳам шу қадар чексиз бўлади. Бу борада педагогик жамоамиз халқимизнинг бой маънавий меросини, анъаналарини, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, Ватанга садоқатли, иймон-этиқодли, юқори малакали ва маънавиятли педагогларни етиштиришга алоҳида эътиборини қаратмоқдалар.

Ота-онаси йўқ, кам таъминланган оила фарзандларига, ногирон талабаларга 371 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Билим юртида тахсил олаётган талабаларнинг ватанпарвар ва аждодларимизнинг қахрамона анъаналари давомчиси, бу эса уларнинг муқаддас бурчи эканлигини улар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Талабалар ётоқхонаси янги замон талабига мос ҳолда жиҳозла-

ниб, унинг қошида кутубхона, "Маънавият ва маърифат" ва дам олиш хоналари, спорт ўйингоҳи ва ошхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳар ойда билим юрти ўқитувчиларининг навбатчилик жадвали ташкил қилиниб, шу асосда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади.

Айтиш жоизки, талаба-ёшлар тарбиясининг мукамал бўлишини назарда тутган ҳолда билим юрти раҳбарияти Каттақўрғон шаҳар суди, прокуратураси, ИИБ ходимлари ҳамкорлигида дунёни ларзага солаётган энг катта хавф — диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш борасида учрашувларни мунтазам ўтказиб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни оғоҳликка қақариб, уларни юртимиз тинчлигини, фаровонлигини ҳамда эркимизни сақлаб қолишда фаол иштирок этишга даъват этишдир.

Бундан ташқари, 2000-2001 ўқув йили давомида мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан "Истиқололинг хур ўзбекистон" деб номланган кеча, шеърят мулкнинг султони Мир Алишер Навоийнинг 560 йиллик юбилеи тантаналари ўтказилди.

Р. Сафаров, Н. Амирова, М. Аҳмедова, Г. Базарова, М. Эгамова, Г. Исмоиловларнинг номини айтиб ўтиш жоиз.

Билим юрти маъмурияти ўқувчи-талабаларнинг маданий дам олишига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар ойда икки марта Мажидий номли театрининг янги репертуари билан танишишлари имконият яратиб бермоқда.

Билим даргоҳининг 320 ўринли талабалар ётоқхонасидаги дарс тайёрлаш қироатхонаси ҳаммиша гавжум.

Талабалар уйининг вилоятда "Энг ибратли ётоқхона" деб тан олинганлиги билим юртида тахсил олаётган ёшларга яратилган имкониятлар қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир нарсани қайд этиш лозимки, инсон ўз ҳаёти давомида илм олмас экан, унинг тарбияси, маънавияти паст бўлиб қолаверади.

Зеро, "ҳар бир шахс ўз қадрини маънавиятдан, илмдан ва тарбиядан топади" — деган аждодларимиз. Шундай экан, бизнинг мақсадимиз ва масъулиятимиз ёшларни маърифатли ва зукко қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Ҳамротош ШОДИЕВА,
билим юрти раҳбари

ЕТУК ШАХСЛАР КАМОЛ ТОПГАН ДАРГОҲ

Билим юртимиз 1928 йилда ташкил топган бўлиб, биринчи раҳбари Абдурахмон Мавлонбеков бўлган.

Бу билим даргоҳи кўплаб истеъдод эгаларини етиштирган. Улар орасида барчамизнинг фахримиз ҳисобланган "Устоз", "Ҳаёт тўлқинлари", "Мунаввар уйлар" китобларининг муаллифи Холбек Ёдгоров, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг муҳаррири, марҳум Аҳмад Исмоилов ҳамда ажойиб журналист, олим ва санъаткорлардан, Латиф Файзиев, Тоҳир Каримов, Умар Раҳимий, Файзулло Нуруллоевларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, билим юртимизда қалдирғоч талабалардан машҳур Рамил Абдириш, меҳнат қаҳрамонлари Раҳима Исмоилова, Шамси Назаровлар ҳам тахсил олганлар.

Ҳозирги пайтда билим юртимизда талабаларга илғор педагогик технология ва шарқ педагогикаси асосида маънавият ва маърифат сабоқлари узлуксиз равишда бериб борилмоқда.

Ўқитувчиларимизнинг тинимсиз меҳнатлари натижаси ўлароқ, талабаларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиб, ёзги семестрни фақат яхши ва аъло баҳоларга яқунлашга эришдилар.

Билим юртимизда талабалар хоҳишига кўра шоир ва санъаткорлар билан "Маънавият-қалбим кўеши" мавзусида учрашувлар ўтказилиб турилади. "Саодат" журналининг бош муҳаррири Ойдин Хожиева, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов, Ортиқ Отажонов, шоира Хосият Бобомуродова, Зулфия Мўминова, санъаткорлар Саида Раметова, Раъно Ярашева, Гулчехра Саъдуллаевалар билан бўлган учрашувлар талабаларимизда катта таассурот қолдирди.

Қўл тўпи, волейбол, сузиш, катта теннис бўйича спорт мусобақаларида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритганлиги ҳам қувонарлидир.

М. УСМОНОВ,
маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, услубий кенгаш ўзининг йиллик иш режаси асосида иш олиб бормоқда.

Кенгашда фан уюшмаларининг услубий ишлари ҳолати, ўқув жараёнининг услубий ҳужжатлари, ўқув-услубий жамланмалар билан таъминланиши, фан хоналарининг жиҳозланиши, биринчи босқич талабалари томонидан фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларининг диагностика таҳлили, дарсларни Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этиш даражаси каби масалалар муҳокама қилинади, қабул қилинган қарорлар ижроси назорат қилиб борилади.

Билим юртидаги мониторинг гуруҳи эса ҳукумат ва вазирлик қарорларида белгиланган вазибалар ижросини кузатиб боради.

УСЛУБИЙ КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур гуруҳ 11 кишидан иборат бўлиб, у билим юртида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари сифати, янги педагогик технология ва ДТС асосида ташкил этилаётган ноанъанавий дарслар, услубий ишлар мазмунини мутассил назорат қилиб боради.

Маълумки, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишда дарсдан ташқари ишлар катта аҳамиятга эга. Шуни инобатга олиб, билим юртимиз талабалари шаҳарни ободлаштириш ва кўчаларимизда иштироки ишларида, турли спорт мусобақаларида фаол қатнашмоқда.

Шунингдек, билим юрти ўқувчилари "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "Наврўз маликаси" ва вилоят миқёсида ўтказилган "Ватанимни куйлайман" кўшиқлар кўрик-танловида иштирок этдилар.

Билим юртида "Ёш адабиётчи", "Ёш математик", "Моҳир кўлар", "Ёш педагог", "Ёш техник", "Наққошлик", "Бадий хаваскорлик", "Фольклор", "Чизмачилик", "Рангтаълим", "Қаламтаълим" тўғрисидаги ва спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда.

Боймурод ШУКУРОВ,
ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ҲАМДА ЯРАТИЛМАЙДИ

Таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширишга боғлиқ бўлиб, унга кўра ёшларга замон талабалари асосида таълим ва тарбия бериш, уларнинг онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш барча педагогларнинг асосий мақсадидир.

Билим юртимизда меҳнат қилаётган 98 нафар ўқитувчи-мураббийларимиз ёшларга илм-маърифат сирларидан сабоқ бериб, малакали педагог кадрларни таълим муассасаларига етказиб беришда самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Педагогик жамоамиз 19 нафари олий тоифали, 47 нафари биринчи тоифали мураббийлардан ташкил топган.

Педагогик янгиларни дарс жараёнига тадбиқ этишда ахборот технологияларида фойдаланиш учун 2 та компьютер синфи мавжуд бўлиб, ўқувчиларда компьютер билан ишлаш кўникмаси шакллантирилмоқда. Оралик ва якуний назоратлар, давлат имтиҳонлари компьютерда олинмоқда. Айниқса, дарс жараёни фаоллаштириш учун муаммоли дастурли, изланувчан методлар асосида компьютерлардан унумли фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, умумтаълим фанлари олдида Давлат таълим стандартлари кўйган талабар ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида бажарилиб, бошланғич таълим стандартларининг моҳияти ўқувчиларга чуқур тушултирилмоқда.

Замира ХОЛМУҲАМЕДОВА,
услубчи, олий тоифали ўқитувчи

Minnatdorchilik

Мен, юраги изтиробга тўла, тақдири оғриқли ҳаётнинг ташвишлари билан бевақт эзилган бир қиз эдим. Ва бу сизларга аён. Онам руҳий касал, отам эса ногирон. Мен, укам билан бирга изтироб чекиб, моддий томондан қийналган кезларимизда, ҳозирги бахтиёрлигим ҳақида орзу ҳам қилмаган эдим.

Она шахрим Каттақўрғондаги 14-сонли ўрта мактабни ногиронлик билан тугатган, 1997 йилда шу билим юртига бахт излаб келганим, сизларга илк бор шогирд бўлганларимни эсласам ҳамон қалбим тўлқинланиб кетади. Ўша кезларда моддий ва оилавий аҳволим танг ва оғирлигини сезиб мени ёнига қақариб меҳр-мурувват кўрсатган Ҳамротош Шодиева, Мўътабар Аҳмедова, Замира Холмухамедова каби устозларимнинг мени ўз бағрига олиб юпат-

УСТОЗЛАРГА МИНГ БОР ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН

ганларини эсласам кўзимга ёш тўлиб кетади. Сизлар кўрсатган бу меҳр-оқибат учун оиламиз миннатдорчилигини, севимли газетамиз "Маърифат" орқали изҳор этмоқчиман. Сизлар ота ва онаминг бахтсиз тақдири мени, укамни — оиламизни сақлаб қолдингиз. Кўрсатган ғамхўрликларингиз боис, оиламиз бошига тушган ночорлик ва тушунлик чекинди.

Мен эса билим юртини муваффақиятли тугатиб, ўзим ўқиган 14-сонли мактабда, меҳнат фани ўқитувчиси бўлиб ишлаш шарафига муяссар бўлдим. Сахийлик билан кўрсатган бу мурувватларингиз юрагимни ифтихорга тўлдирди. Энди сизлардек, ёш авлодни ҳалолликка, эзгуликка чорлаб, сабоқ беришга тайёрман. Сизларнинг ишончингизни оқлаш менинг энг эзгу орзуимдир. Юртбошимиз И. Каримов "Сиз ёшлар ўз идеалингизни китоблардан эмас, ҳаётдан изланглар" деб таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам биз ёшларга идеал бўлаётган қаҳрамонлар Сиз устозлар эканлиги мен бугун амин бўлдим.

Қадрли устозларим! Ёшларнинг қалбини илм ва саодатга тўлдирувчи азиз бошингиз омон бўлсин!

Гулбахор БЕРДИЕВА

Navoiyxonlik

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош маълум муддатда Алишер Навоий кутубхонасининг мудури вазифасини ҳам бажарган. Мирзо Бадиуззамон Хиротни босиб олишга киришган пайтда Муҳаммад Наққош Навоийдан ранжиб Бадиуззамон хузурига борди ва ўша мансабга (яъни кутубхона мудури — Ҳ.К.) тайинланди. Абдулфатх Муҳаммад Шайбоний истилоси пайтида (1506 йил) вафот этди" (360-бет).

Юқоридаги парчада Хондамир Алишер Навоийнинг анчагина нозик томонлари ҳақида маълумот берган. Энг аввало, Навоийнинг янгилик яратиш, ихтирога бўлган муносабати юқоридаги мисол билан анча ойдинлашади. Навоий даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр эли катта маданий ва адабий, илмий ва ижтимоий юксалишга йўл тутган эди. Исломи оламида Баҳоуддин Нақшбанднинг "дил ба ёри, даст ба қор" — фалсафий-сўфиёна қарашлари таъсирида яратувчанлик, янгиликка интилиш, меҳнатга бўлган муносабатнинг ажралмас қисми бўлиб қолган эди. Шунга қарамадан, бу ҳали ислом олами илм, маърифат, янгилик яратишда ўз эшикларини лаг очиб берди, деган гап эмас эди, албатта. Тасаввур этайлик, худди ана шундай бир пайтда Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққошдек халқ ичидан чиққан моҳир ихтирочи, наққош ва қосиб маданият ҳомийи Навоийнинг паноҳида туриб фақатгина мўъжизали соат яратмади, балки одам мужасамасини — ислом қонунига мувофиқ келмайдиган пайкарли ихтиросини пешкаш қилган. Шубҳасиз, Навоий бу ихтирони битгунга қадар бошдан охиригача кузатган, қизиққан. Илм-маърифат қатори яратувчиликка қизиққан Навоий Муҳаммад Наққош ихтиросига ҳомийлик қилгани, аниқроғи унга бош бўлиб шу янгиликни яратгани диққатни тортади.

Шак-шубҳасиз, "агар Навоий шунчалик ҳомий экан, нега Муҳаммад Наққош ундан аразлаб кетди?" деган ҳақли савол туғилади. Хондамир юқоридаги маълумотида бу борада аниқ маълумот бермаган. "Ҳабибус сияр"да юқорида номлари келтирилган шахсларнинг барчаси (Муҳаммад Наққошдан ташқари) Навоийдан аразлаб кетганликларидан кўра, унинг нафратига учраганлар, бири ёлғончилиги, ғийбатга майли борлиги, иккинчисининг Навоий шахсини ноўрин ёмонлаганлиги, учинчиси мастликка ружу қилганлиги сабаб бўлиб устоз марҳамати ва суҳбатидан маҳрум бўлган. Бирок, юқоридаги мисолда Хондамир жуда нозиклик билан Муҳаммад Наққош Навоийдан ранжиб кетганлигини таъкидлайди ("охирул-амир азон жаноб ранжиб бигрехт").

Тўғри, Навоий қанчалик буюк адиб, вазири аъзам бўлмасин, замондошлари, алаҳусус, Бобурнинг таъкидлашича, унинг нозик таъблиги, гоҳида тез ачиққлини ҳоллари хусусияти борлиги таъкидланган. Муҳаммад Наққош Алишер Навоий хизматида бўлиб, охириги пайтда у билан ихтилофга бориб Бадиуззамон хузурига борар экан, ўқувчида юқорида биз мисол келтирган шахслар қатори ёмон таассурот қолдирмайди. Бу даврнинг икки вакили — вазир ва буюк шоир, ҳамда таниқли ихтирочининг ўзаро арази Муҳаммад Наққошнинг ахлоқсизлиги ёки Навоийнинг қобилиятли кишилар қаторига етмаслигини эмас, балки ҳар иккаласининг ҳам нозик диду хусусиятидан далолат беради. Иккинчидан, бу араз жамият, ўша маданий-адабий муҳитга таъсир этмасдан, балки шахсий низо бўлиб, унинг ноҳуш изи маданият тарихида салбий из қолдирмагани билан ҳам муҳим.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг мўътабар сиймоси ҳали ҳаёт пайтида ва вафотидан хиёл ўтмасдан замондош адибу тарихчилари асарларида Комил Инсон даражасида абадий тасвирланиб қолди. Унинг шахсияти минглаб кишиларнинг турли даврларда юксак инсоний ахлоқ руҳида тарбия топишига сабаб бўлди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори

Ғиёсиддин Хондамирнинг "Ҳабибус сияр" асарида башарият тарихидан бошлаб XVI асрнинг боши, сафавийларнинг Шайбонийхонни мағлуб этгани, улар салтанатининг 1512 йилдаги таназзули ва 1525 йилгача бўлган воқеалар жой олган. Хондамир бу асарига қадар "Мақоримул ахлоқ"да Навоийга бўлган муносабатини анча ойдин баён этган. Хондамир бу буюк зот олдидаги қарзи — маънавий бурчини охиригача адо этиш ниятида "Ҳабибус сияр"да Навоий ҳақида яна анча маълумот беради.

"Ҳабибус сияр" тарихий асар бўлганлиги сабабли муаллиф Алишер Навоийга бағишлаб алоҳида боб, сарлавҳа белгиламаган. Кузатишларимиздан аён бўлдики, Навоийнинг исми асарда 50 мартадан ортиқ тилга олинди. Хондамирнинг маълумотлари умумлаштирилса, Навоий мавқеи, унинг тарих, адабиёт, адабий жараён ва қолаверса, ўша давр кишилари тақдирини тугатган ўрнини яхлит ҳолда ўқувчига етказиш мумкин бўлади.

Хондамир "Ҳабибус сияр"да Навоийнинг уч жиҳатини кўпроқ ёритишга интилади: биринчидан, асар талаби ва мундарижасига мувофиқ Навоийнинг Хусайн Бойқаро салтанатида туган ўрни, иккинчиси улуг адибнинг шахс тарбиясидаги нозик истеъдоди — одам таниш қобилияти, валиёна хислати ва ниҳоят, Навоийнинг ўша давр адабий жараёнига сарварлиги, адабиётшунослиги ва унинг адабий-эстетик қарашларининг кейинги адабиётшуносликда ҳам тамал тоши сифатида ўрин тутганлигидир.

"Ҳабибус-сияр"да улуг Навоий шахсияти учун жуда қадрли бўлган маълумотга кўзимиз тушди. Ҳали бирон манба орқали биз Навоийнинг на онаси ва на отаси ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга эмасмиз. Хондамир Навоийнинг вазирлиги, Хусайн Бойқаронинг салтанатидан олдинги давр — Султон Абусаид Мирзо саройидаги воқеалар тасвирини берар экан, Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Ганжкина (Хондамир шу ном билан берган — Ҳ.К.) ҳақида қисқа маълумот келтирганини кўрамиз. Хондамир Султон Абусаид салтанати ҳақида сўз юритар экан, Навоийнинг падари бузрукворининг бу даргоҳда нуфузли шахслар доирасида бўлгани, эътиборга ноиллигини алоҳида таъкидлайди. Султон Абусаид кунлардан бирида жуда катта нуфузли ҳайъат тайинлашга қарор беради: "Мирзо Султон Иброҳим Хирот музофотида бир неча кунни фароғат билан ўтказганидан кейин, ўзининг яқинлари билан маслаҳатлашиб Мирзо Султон Абусаидга алоҳида мактуб юбориб, ўзининг фикр-мулоҳазасини билдиришни аҳд қилган (яъни Хиротни ўз вассалига киритишга аҳд қилган — Ҳ.К.). Бу масалани ҳал қилиш учун давлатнинг энг нуфузли уч кишидан иборат ҳайъат тузилади. Биринчи, Шайх Нуриддин Муҳаммад бинни Шайх Баҳоуддин Умар, иккинчи Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Кўсавий ал Жомий, учинчиси амир Бобуриддин Хованшоҳим, мазкур сатр муаллифининг (яъни Хондамирнинг — Ҳ.К.) паноҳбонидир, ва Амир Ғиёсиддин Ганжкинаким, ҳазрати амири султон Низомиддин Алишернинг падари бузрукворидир ва сафарда у уч бузургга хизмат қилиш ҳамда ҳамкорликка тайинланган эдилар, ўз ишларини бажарилишига амр этилди..." (71-бет).

Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина (Ганжкина) амир ва беклар орасида пайдо бўлган энг катта можаро — Хиротни Султон Абусаид ҳукмронлигига қайтаришдек нуфузли ҳайъатга аъзо қилиб жўнатилган.

Хондамир фикрича, Ғиёсиддин Кичкинининг шундай улуг кишилар билан ҳамроҳ бўлиши унга билдирилган катта ишонч бўлган. Бундан ташқари, бу мисол Алишер Навоийга юртни тинч асраш, султонлар, Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамон орасидаги ихтилофларни бартараф қилишга доимо хисса қўшиши отасининг тарбияси, маънавияти юксак хонадондан мерос сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

Бир қараганда юқоридаги маълумот тарих учун, Навоийнинг падари бузруквори мавқеини белгилашда

катта манба эмасдир. Аммо, бу буюк шахснинг отаси ҳақида Хондамир томонидан берилган бу қисқа хабар-маълумот ҳозиргача Ғиёсиддин Кичкина ҳақидаги ягона манба бўлиб, маълум кизиқиш уйғотади.

Шуни таъкидлаш керакки, Хондамирнинг Навоий ҳақида берган маълумоти Бобур, Восифийнинг у ҳақида берган маълумотидан ҳам шаклан ва мазмунан фарқ қилади. Бунда, Хондамир тарихчи-носир сифатида ўз вазифасини адо этади. Унинг тасвирида биз Навоий ҳақида ҳеч бир асарда учратмаган далилларга дуч келамиз. Бу энг аввало, Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқаро давлати қурилишидаги масалаларни ҳал қилишдаги мавқеига тааллуқлидир. Тўғри, бу мавзуларнинг айрими ҳам Бобур, ҳам Восифий асарларида баён этилган. Аммо, Хондамир ҳам давр, ҳам салтанатнинг моҳир тарихчиси сифатида Навоийнинг салтанатни темурий шахзодалар, беку амирлар низоларидан имкон қадар эмин қолдириш, Хусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари орасида бўлиб ўтган ҳисобсиз жанжалларга "қозилиқ" қилиши, кўпинча бу масалани Хусайн фойдасига ҳал қилишига кўпроқ эътибор берган. Бундан ташқари, бу маълумотлардан биз Навоийнинг давлат бошқарувидаги ўрни, вазир сифатидаги фаолиятига оид қимматли маълумотга эга бўламизки, бу жуда муҳим.

БУЮК ШОИР — ХОНДАМИР НИГОҲИДА

Хондамир Алишер Навоийнинг одам таниш, кишиларга баҳо беришда фавқулодда қобилият эгаси эканлиги борасида кўпгина диққатга молик мисолларни келтиради. Бунда сўз кўпроқ тарихий шахслар: шоир, хунарманд, амир, давлат арбоби ҳақида боради. Навоийдек нозикдид, нозиктаъб кишининг одам таниш қобилиятини шу мисоллар орқали кенгроқ ёритишга имконимиз бор. Улуг адибнинг бу хусусияти шак-шубҳасиз зиёли ёки давлат маҳкамасининг оддий хизматчиси, йирик давлат арбобининг тақдирини келажига таъсир этган. Ушанда пок қалбли, эл манфаати учун куюнганлар, илм, маърифат, адабиёт ва санъат учун ўз жонини фидо этганлар давр ғаламислари ва нопок тўдалари хуружидан асраниб, Навоий марҳамати туфайли ижод ва истиқболга ҳаётга йўналтирилган. Аксинча, ҳаракатларида қабиҳлик, нопоклик, ҳасад ва нотавонлик, одамларни алдаш билан кун кўрувчи кишилар нафақат улуг Навоий марҳаматидан қуруқ қолганлар, балки уларнинг кўпчилиги аразлаб юртларини тарк этганлар, Навоий бош бўлган адабий-маданий даргоҳни номаъқул биллиб, ўзга юртни орзу қилганлар.

Бизнинг кузатишларимиз натижасида топилган манбалар шуни кўрсатдики, Хиротни, унинг иқтидорли адабий муҳити, мажлислари ва нубувватли шахслари доирасини, қолаверса, Навоийнинг раиятпарвар даврасини аразлаб ёки бошқа сабаблар билан тарк этган шахслар ҳоқ Мовароуннаҳрни макон қилишмасин, хоҳ Ироққа бориб, Яъқуб Мирзо даргоҳига бош урмасин ва хоҳ Хусайн Бойқаро билан кўпинча низода бўлган ўғли Бадиуззамон мирзодан марҳамат кутишмасин, барибир, Навоийнинг шу шахсларга берган баҳоси нечоғлик ҳақлиги, улуг алломанинг кишининг келгуси тақдирини аниқ белгилаши яққол кўринади.

Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид Қоиний Хусайн Бойқаро ҳокимияти даврида ўзининг ҳалоллиги ва поклиги билан шухрат қозониб, катта мансаб эгаси бўлади. Бирок, Алишер Навоий мажлисларида иштирок этиб юрган бу шахс, кунлардан бирида Навоий ҳақида тухматомуз сўзларни айтади. Навоий адиб ва шахс сифа-

тида бундай ҳаракатни нолойиқ биллиб, уни садоратлик мансабидан четлаштиради. Хусайн Бойқаро вафотига яқин фурсатга қадар ишсиз, касб-кори бетайин бўлган Мавлоно Қоиний Бадиуззамон эътиборини ўзига тортади ва у Қоинийга аввалги мансабини қайтаради. Бирок, Навоийга вафо қилмаган Қоиний Бадиуззамонга ҳам вафо қилмайди ва нолойиқ хатти-ҳаракати натижасида олти ойдан кейин бу вазифасидан четлаштирилади (324—325-бет).

Хондамир "Ҳабибус сияр"да Мавлоно Халилуллоҳ исми самарқандлик толибилим ҳақида маълумот берган. Халилуллоҳ Самарқанд ҳокими Абу Саиднинг зулмидан беғиз, Хиротга келади, Гавҳаршодбегим ва Ихлосия мадрасаларида илм таҳсили билан шуғулланади ва маълум ютуқларга эришади ҳам. Бирок, Навоий уни муттасил шароб ва мастлик билан машғул бўлиши боис вазифасидан бўшатади ва ўз доирасидан четлаштиради. Халилуллоҳ ҳам Қоиний сингари Бадиуззамон Мирзо хузурига — Балхга боради ва у ҳам садоратдан муносиб вазифага эга бўлади... Бирок, Халилуллоҳ Балхда ҳам кўп "хунар" кўрсатади (Навоийнинг унга берган баҳоси ва муносабати ўз исботини топади), Бадиуззамон ҳам уни ўз даргоҳидан четлаштиради, натижада сарсон қолган бу даврдада Кун-

дузга — Амир Хусравшоҳ хузурига боради ва ўша ерда вафот этади.

Халилуллоҳ характеридаги энг нолойиқ жиҳат ичкиликка муккасидан кетишдир. Демак, Навоий ўз даврининг толибул илмлари, вояга етган ёшлар, айниқса, адиблар хусусиятида мастликка ружу, интилишни кишидаги энг нолойиқ хислат сифатида қоралаган, нафратланган. Бу хусусият инсон шаънига путур этказишни билган Навоий Халилуллоҳдан "қўлини ювиб қўлтиғига урган".

Ушбу мисолда яна бир нозик жиҳат бор. Бадиуззамон қанчалик халилуллоҳларни ўз паноҳига олмасин, Навоийнинг бу шахслар ҳақида берган баҳоси ўз тасдиғини топади. Бадиуззамондан паноҳ излаган юқоридаги шахслар қатори Халилуллоҳ ҳам унга садоқат кўрсатмайди ва Хондамирнинг таъкидлашича, қисқа муддатда унинг паноҳида бўлади ва нолойиқ ҳаракати туфайли ўзга мулкдор паноҳини излаб кетишади ёки ҳаёти фожеали туғайди.

Хондамир асарида Навоий хислатини ёритувчи яна бир мисолни келтирадими, жуда диққатга лойиқ. Бу Навоий хизматида бўлган, даврнинг йирик ихтирочиси, наққош ва адиби, Навоий кутубхонасининг бошлиғи Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ҳақидаги қимматли маълумотдир. Дурустгина тасаввур ҳосил бўлиши учун бу маълумотни ўз таржимамизда тўла келтиришни лозим билдик: "Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош — ўз даври илмини эгаллаган, доимо ҳайратланарли ихтиролар ва ажиб тажрибалар ўтказиб, уни кундалик амалий ҳаётда ишлатган шахс эди. Тасвир ва тазҳиб (зарнақш бериш) фанида маҳорати чексиз эди. Бир неча вақт чинни идишлар ясаш билан шуғулланади. Жуда кўп тажриба ва чексиз меҳнати эвазига катта бир чинни идиш ясашга эришди. Бирок, ранг ва жилоси унча ўхшамас эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ихтироларидан — Амир Низомиддин Алишер кутубхонасида қўйилган сандиқли соат эди. Ушбу сандиқда у одам хайкалинини ясаган эди. Бу хайкал ҳар соатда қўлидаги чўпи билан олдида турган ногорага бир марта урар, икки соат ўтса икки марта уриб садо берар эди.

SENING JYRON

Sulaymon Maymulov 1932 yilda Qirg'izistonning Kemin degan toq'li bir qishlog'ida tug'ildi. 1954 yilda Qirg'iziston Davlat universitetining filologiya fakultetini bitkazdi. Bolalar gazetasida, so'ng bolalar jurnalida, keyin "Qirg'iziston" nashriyatida ishladi. Uzoq vaqt "Qirg'iziston madaniyati" gazetasida adabiyot bo'limini boshqardi.

1950 yilda "Daraxtcha" sarlavhali birinchi she'ri bolalar jurnalida bosildi. 1955 yilda "Kichkintoylarim" nomli birinchi she'riy to'plami bosilib chiqdi. So'ngra "Mening oilam", "Qishloq bolalari", "Farzand", "Do'stlarim" kabi 20 dan ortiq kitobi chop etildi. Asarlari rus, ukrain, qozoq va boshqa tillarga tarjima qilindi.

Sulaymon Maymulov she'riyatida Vatanga muhabbat mavzusi har taraflama ifoda qilingan. Ona yurt tabiati va tarixi, qirg'iz xalqining hayot tarzi, qo'shiqlar olami, davrga xos illatlar uning ilhom manbalaridir. Biz S.Maymulov she'rlarini o'zbek o'quvchilariga taqdim etarkanmiz, ularni bolalar yaxshi tushunishi uchun ayrim tafsilotlarga to'xtashni lozim topamiz. Qirg'iziston Olatov, Tangritog', Pomir tog'lari qo'nyida joylashgan bir maskan.

Shoir tug'ilgan Kemin nomli joy ham o'simliklarga boy, yam-yashil bir tuman. Pomir-Oloy tog'lariga chiqqan odam bir kunda to'rt faslni ko'rishi mumkin. Tog' etaklarida o'riklar pishib yotsa, tog' yonbag'irlarida daraxtlar endi gullayotgan bo'ladi, yuqoriroq chiqsangiz jalada qolasiz, tog' cho'qqilarida qor yog'ayotgan bo'ladi.



Qoradaryo va Norin daryolari bizning Sirdaryo kabi sokin emas. Ular shovullab, toshlardan toshlarga urilib, sakrab-sakrab oqadi. Tog'lardan guvillagan shamol sadolari keladi. Bu o'lkaga oshiq bo'lmagan sayyohni uchratish qiyin. O'tgan asrlarda Tyan-Shanskiy, Prjevalskiy degan rus sayyohlari bu yerlarda ko'p aylanishgan. Ular shubhasiz katta olimlar bo'lishgan. Qirg'iziston jo'g'rofiyasi, etnografiyasi, hayvonot dunyosi va hayot tarzlari haqida yozib qoldirishgan. Ayni chog'da ular tuzgan xaritalar, geografik va iqtisodiy ahvol to'g'risidagi ma'lumotlar Qirg'izistonning bosib olinishida muhim rol o'ynagan.

Sulaymon Maymulov o'zining "Issiqko'l haqida o'ylar" nomli she'riy turkumida Tyan-Shanskiy va Prjevalskiy shaxslariga bizning e'tiborimizni tortadi. Bu bejiz emas. Bu turkumda yana "Etti

OTINGMAN, VATAN!

O'g'uz" degan bir she'r borki, u "To'qqiz o'g'uz va o'n uyg'ur" nomli qadimiy turk asotirini yodga soladi. Bu asotirda aytilishicha, qadim-qadim zamonlarda bir turk xoqonining ikki qizi bo'ladi. Ular benihoya suluv, o'qimishli, oqila qizlar edi. Xoqon, hatto, ularni inson zotiga berishdan ham qizg'anadi va bir kuni o'zining bu holidan tangriga tavallo qiladi. Tangrining inoyati bilan bu qizlarning biri to'qqiz O'g'uz (yetti o'g'il va ikki qiz), ikkinchisi o'n uyg'ur tug'adi. Bu to'qqiz O'g'uzlar qirg'izlarning ajdodi, degan rivoyatga asoslanib bo'lsa kerak, Issiqko'l'da bir joyni "Etti O'g'uz" deb ataganlar. S.Maymulov "Issiqko'l haqida o'ylar" turkumidagi "Etti O'g'uz" she'rida 30-40-yillarning atoqli shoirlari Jusup Toshtemirov, Quvonchbek Malikov, Aliqul Osmonov, Jo'mart Boqonboyev, Muqay Eleboyev, Ali To'qamboyev, Temirqul Umetaliyevlarni Tangri nazari tushgan shoirlardan demoqchi bo'ladi.

Sulaymon Maymulov bolalar shoiri sifatida o'zini pedagog-tarbiyachi deb biladi. Shuning uchun rus pedagog yozuvchisi Ushinskiy hikoyalari qirg'izchaga tarjima qilgan. Shuningdek, ukrain shoiri Taras Shevchenko va avar shoiri Rasul Hamzatov she'rlarini ham qirg'izchaga o'g'irgan. Ularning she'rlaridagi vatan, millat, xalq mavzulari uni o'ziga jalb etgani tabiiydir. Sulaymon Maymulovning she'rlari o'zbekchaga hali tarjima qilinmagan edi. Men ayrimlarini e'tiboringizga havola etayotirman.

Miraziz A'ZAM

VATAN

Siyrak qora sochli boshimni
Asta-asta silang, onajon.
Otlanyapman katta safarga
Bexatar yo'l tilang, onajon.

Kutib turar, ana, jiyronim,
Sadoqatli do'stim gijinglab.
Meni ulg'aytirgan ona yer
Kutayotganga o'xshar ming yillab.

Men bilaman: turar qarshimda
Tiniq soylar, cheksiz dalalar.
Ming dardga davo Issiqko'l,
Manaslarni tuqqan qal'alar.

Bir lahza ham unutganim yo'q,
Sen bo'lgansan menga jonu tan.
Sen bir siniq shoximsan, dema,
Sening jiyron otingman, Vatan...

TANGRITOF

Bu tog'larning bag'ri qor-qirov,
Etaklari gilamday yaylov,
Talpinganday burgut kenglikka
Yuragimda shijoat, olov.

Go'zallikdan tushib sehra
Yuksaklardan qarayman yerga -
Entikib lolman.

Qaysi gul-u, qaysi qizalog',
Qaysi o'rmon, qaysinisi bog' -
Ayirolmayman.

YAYLOVDA ERTA BILAN

Quyosh nuri tushdi tik Olotovga,
Podasin chiqardi cho'pon yaylovga.
Tog'lar tangisidan o'tdiyu poda
Chopdi suv bo'yiga, o'tloq tanlovga.



BIZNING QO'SHIQLARIMIZ

Bizning qo'shiqlar kelgan qadim chog'lardan,
Keyin joy tanlab olgan bizning yoqlardan;

Joylashgan saxovatli har bir yurakka,
Kuch bergan, quvvat bergan charchoq bilakka.

Yorug'likka boladay yugurar qo'shiq,
Yangrab, yuksalar, unga bas kelmas to'siq.

Qo'shiq aytadi suvlar, tog'lar, har dovon,
Ko'zlarga nur bo'ladi, qalblarga darmon.

Quloq sol, eshitarsan bu eldan yana,
Nido chorlovchi sado, chahchah va jarang!

Olatov! Olotovim! Ulug'vor elim,
Shuhrati doston bo'lgan jangovar elim!

Muzliklaring yiltillab ko'zim oladi,
Buloqlaring tinimsiz g'ijjak chaladi.

Tog'lardan va quyoshdan, shu'la va nurdan
Qo'shiqlarga tarovat, harorat kirgan.

Hurlik deb ataluvchi bu go'zal tortiq,
Opera, simfoniya - baridan ortiq.

Qiziqqan do'stlar menga bersalar so'roq,
Bizning qo'shiq, deymen men, bu - ona tuproq.



Jilmayib kuzatdi cho'pon, xotini,
Sho'x-sho'x toychoqlari, baytal otini.
Har kuni erta bilan chorlar, ilinib,
Baytal toychog'iga tutam o'tini...

QOZOQ DO'STIM BILAN SUHBAT

Anvarbek Duysenbiyevga

Dunyoga kelganmiz ikkimiz birga,
Bitta tong nur sochgan ikki umrga.
Ikkov rizq olganmiz bitta qozondan,
Yonma-yon ulg'aydik, bitta asrda.

Ustimda egnim ham egningga o'xshash,
Yotgan o'rnimiz ham, og'ajon, tutash.
Bir paytda o'qidik maktablarda ham,
O'stirdik bitta bog', bamisli adash.

Birday mehr qo'ydik qalam, bayotga,
Jangga kirgan kabi, kirdik hayotga.
Tasvirladik ikkov bir xil zamonnii,
Va ikkov egamiz bir xil qismatga.

KO'NGILLARNING RANGI

Ko'ngillar ranglimi?
Rangi qandoq rang?
Donishmand ko'ngli
doimo oq rang.

O'qib uqqanlarning
ranglari qanday?
Oqillarning ko'ngli
rangbarang tongday...

To'p quvgan bolaga
maydon go'yo tor...
Bolalarning ko'ngli
ko'kday beg'ubor.

Ayyor zolimlar bor elimiz ora,
Bu shumlarning ko'ngli
qurunday qora.

IKKILIKLAR

Pulga o'chlar yovdir o'ziga o'zi,
Ovqat yeyishga ham
qiymaydi ko'zi.

Do'st yalinsa, tiqma quloqqa paxta,
Qalbing quloq bo'lsin aynan
shu vaqtda.

Uy yo'lin topganday otlar har doim
Mard, zamon o'zgarsa,
o'zgartmas joyin.

Oldinda ne uchrar, o'ylab
ol bir zum,
Ichgan bulog'ingni
loyqatma, qizim.

Kuylay olsang, qalbing yosh
bo'lsa magar,
So'zingni sarf qilma
mayda-chuydaga.

DUM HAQIDA RIVOYAT

Bek ketardi uyga tog' oshib
Quvdi sharpa ortidan shoshib.

Bek ko'prikka yetdi, o'tmay zum,
Yetib keldi orqasidan dum.

Unga dedi: - Menga qara, Bek,
Ko'rinishing - dono odamdek...

Senda dum yo'q, but oyog'u qo'l,
Meni dum qil, doim birga bo'l.

Bek der: - To'g'ri, dumlar gulisan,
Bir johilning malay dumisan.

Faqirlarga berasan azob
Yo'qol endi dunyodan, kazzob!

Bek shunday deb yugurdak dumga,
Uni burab, yiqitdi suvga.

Malay dumin o'shandan buyon
Esga olmas biron-bir inson.

Nom-nishon ham qolmadi undan,
Dumlar holi shunday burundan.

Miraziz A'ZAM tarjimalari

Ёшларнинг кўнгилларида вазирликнинг қўлида!

**Вилоят, туман халқ таълими бошқармалари
ва мактаб директорлари ҳамда ота-оналар диққатига!**

**“O‘ZDAVKITOVSAVDOTA‘MINOTI” очик акционерлик жамияти 2001-2002
ўқув йили учун таълим-тарбия ўзбек ва қардош тилларда олиб
бориладиган мактабларнинг 2—11-синфларига мўлжалланган
дарсликларни таклиф этади ва республикамизнинг барча
вилоятларига етказиб беради.
Улгуржи савдога 10-15 фоиз чегирма берилади.**

ЎЗБЕК ТИЛИ

2-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (700 сўм)
Н.Бикбаева ва б.Математика дафтари №1 (20 с)
Н.Бикбаева ва б. Математика дафтари №2 (20 с)
Х.Эгамов. Ўзингиз қуринг ва ясанг (27 с)
К.Қосимова ва б.Она тили (387 с)
А.Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам (389 с)
Р.Толипова ва б. Русский язык (327 с)
Қ.Абдуллаева. Ўқиш китоби (774 с)
Х. Нурматов. Мусика (406 с)
Х.Фуломов. Хусниҳат (103 с)

3-синф

М.Умарова. Ўқиш китоби (510 с)
Р.Толипова. Русский язык (456 с)
С. Фузаилов ва б.Она тили (487 с)
Х. Нурматов. Мусика (496 с)
Н.Бикбаева ва б.Математика(910 с)

4-синф

А.Григорьянц. Кундалик кузатиш дафтари (110 с)
А.Григорьянц ва б. Табиатшунослик (1139 с)
Н.Бикбаева. Математика (890 с)
А. Шожалилов ва б. Ўқиш китоби (648 с)
Р.Толипова ва б. Русский язык (538 с)
Р.Икромов, А.Азизова ва б. Она тили (692 с)

5-синф

Т.Пошшаҳўжаева ва б. Меҳнат таълими (24 с)
У. Маҳкамов ва б. Ватан туйғуси (460 с)
Ж.Икромов ва б.Математика (894 с)
Р.Толипова ва б. Русский язык (771 с)
Н.Каримов ва б. Ўзбек адабиёти (721 с)
У.Жўраев ва б. Жаҳон тарихидан ҳикоялар (624 с)
У.Пратов.Ботаника 5—6-с. (850 с)
Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (539 с)
Х.Неъматов ва б.Она тили (289 с).
З. Шайхутдинова ва б. Немис тили (1424 с)
Г.Мусаев ва б.Табиий география (476 с)
Р.Раҳимқориев ва б. Математикадан масалалар тўплами (487 с)
А.Мансурова ва б. Мусика (471 с)

6-синф

А.Кабиров.Жаҳон тарихи(940 с)
Х.Неъматов ва б. Она тили (412 с)
Р.Толипова ва б. Русский язык (770 с)
А.Саъдуллаев ва б. Ўзбекистон тарихи (750 с)
Қ.Йўлдошев ва б. Ўзбек адабиёти (609 с)
А.Абулқосимов ва б. Материклар ва океанлар географияси (1280 с)
Д.Шодиев ва б. Физика (592 с)
Ж.Икромов ва б. Математика (890 с)

7-синф

А.Муҳаммаджонов ва б. Ўзбекистон тарихи (864 с)
А.Файбуллаев ва б. Геометрия (395 с)
Т.Қурбонов ва б. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (789 с)
П.Фуломов ва б. Туркистон табиий географияси (454 с)
О.Мўминов ва б. Ўзбекистон табиий географияси (658 с)
К. Йўлдошев ва б. Ўзбек адабиёти (782 с)
С. Исломбаева ва б. Русский язык (624 с)
Д. Шодиев ва б. Физика (574 с)
Х. Неъматов ва б.Она тили (219 с)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (770 с)
С.Тешабоев ва б. Анорганик кимё (595 с)

8-синф

А.Каттабеков ва б. Ўзбек адабиёти (980 с)
Н.Файбуллаев ва б.Геометрия (490 с)
Э.Смирнова ва б.Инглиз тили (454 с)
З.Акрамов ва б. Ўзбекистон иқти-

содий географияси (1035 с)
Р.Фармонов.Жаҳон тарихи (660 с)
Б.Аминов ва б. Одам ва унинг сало-матлиги (1030 с)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (950 с)
Л.Ражабова ва б.Русский язык(760 с)
Х.Неъматов ва б. Она тили (280 с)
Д.Шодиев ва б. Физика (850 с)

9-синф

Б.Тўхлиев. Ўзбек адабиёти (732 с)
А.Каримова. Русский язык (73 с)
Д.Шодиев ва б. Физика (850 с)
С.Тешабоев ва б. Анорганик кимё (460 с)
Ж. Раҳимов. Ўзбекистон тарихи (1244 с)
А.Ортиқбоев. Геометрия (547 с)
У.Жўраев ва б. Дунё динлари тарихи (790 с)

10-синф

Р.Толипова ва б.Русский язык(500 с)
Т.Жалолов. Инглиз тили (600 с)
А.Рафиқов ва б. Амалий география (700 с)
Тўплам. Миллий истиқлол ғояси: асо-сий тушунча ва тамойиллар. (176 с)
Тўплам. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (135 с)
Б.Қосимов ва б. Ўзбек адабиёти (1014 с)
Ш.Алимов ва б. Алгебра ва анализ асослари (10-11 с) (880 с)

11-синф

Н. Шахмаев. Физика (124 с)
Т. Жалолов. Инглиз тили (515 с)

КИРГИЗ ТИЛИ

2-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика дафтари №1 (45 с)
Н.Бикбаева ва б. Математика дафтари №2 (45 с)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (45 с)

4-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (748 с)
А.Григорьянц. Дневник наблюдений (460 с)

5-синф

Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с)

7-синф

А.Файбуллаев. Геометрия (242 с)

8-синф

А.Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (190 с)
З.Акрамов. География (265 с)

КОЗОҚ ТИЛИ

2-синф

А.Григорьянц.Атрофимиздаги олам (190 с)
М.Омаров ва б. Ўқиш китоби (785 с)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (680 с)

5-синф

Ж.Икромов ва б. Математика (225 с)
У.Пратов ва б. Ботаника (700 с)

6-синф

П.Мусаев. География (265 с)
У.Пратов ва б. Ботаника (700 с)

7-синф

Н.Файбуллаев. Геометрия (242 с)

8-синф

А. Мамажонов. Анорганик кимё (113 с)
Ш.Алимов. Алгебра (292 с)
А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари(73 с)

9-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)
Ш.Алимов. Алгебра (147 с)

10-синф

А.Абдуқодиров Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (253 с)

ТОЖИК ТИЛИ

2-синф

А. Григорьянц. Атрофимиздаги олам (165 с)
Н. Бикбаева. Математика (759 с)
Х. Сабохий ва бошқалар. Уқиш китоби (915 с)

3-синф

А. Воҳидов. Забони мадори (754 с)
Н. Бикбаева. Математика (680 с)

4-синф

А. Григорьянц. Кундалик кузатиш дафтари (190 с)

5-синф

Б. Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с)

6-синф

Ў.Пратов ва б. Ботаника (250 с)
Ж.Икромов ва б. Математика (810 с)

7-синф

А.Гайбуллаев. Геометрия (395 с)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (470 с)

8-синф

А. Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (100 с)
А. Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с)
А.Мамажонов. Анорганик кимё (115 с)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (290 с)

9-синф

А.Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)

ТУРКМАН ТИЛИ

2-синф

А. Григорьянц. Атрофимиздаги олам (460 с)
К.Абдуллаева. Ўқиш китоби (800 с)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (680 с)

5-синф

Ж.Икромов ва б. Математика (225 с)
Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (453 с)
У.Пратов ва б. Ботаника (910 с)

7-синф

Ш. Алимов. Алгебра (74 с)

8-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с)
А.Мамажонов. Анорганик кимё (113 с)

9-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)
Ш.Алимов. Алгебра (262 с)

10-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (286 с)

РУС ТИЛИ

2-синф

В. Кожуховская. Путешествие в мир слов 1-2 часть (520 с)
Н.Бикбаева. Математика (910 с)

3-синф

Н. Бикбаева. Математика (825 с)
А. Григорьянц. Дневник наблюдений (210 с)
В. Кожуховская и др. Путешествие в мир слов 1-2 часть I-(724) II-(720 с)

4-синф

А. Григорьянц. Дневник наблюдений (215 с)
Н. Бикбаева. Математика (890 с)

5-синф

Ж.Икромов и др. Математика (683 с)
П. Мусаев. Начальный курс физическое географии (655 с)
Б. Аҳмедов. Рассказы из истории родины (550 с)
Г.Шеглова и др. Литература (1250 с)

6-синф

Ж.Икромов и др. Математика (810 с)
О. Мавлонов. Зоология (1385 с)
А. Саъдуллаев. История Узбекистана (750 с)
У.Пратов и др. Ботаника (5-6 с) (1050 с)

7-синф

В.Андрянова и др. Литература 1-часть (1050 с)

8-синф

В. Варфоломеев. Литература 1-2 часть (I-835, II-870 с)

9-синф

В. Зеленина. Русский язык (795 с)
Ж.Раҳимов. История Узбекистана (1020 с)

Жисоб-китоб нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: 8-(372) 144-81-40, 144-53-77 Факс: 144-23-94

Урганч ш.: 8-(362-22) 4-32-11

Навоий ш.: 8-(436-22) 5-44-57

Самарқанд ш.: 8-(366-2) 29-53-86

Бухоро ш.: 8-(365-22) 31-44-7

Қарши ш.: 8-(375-22) 56-12-7, 57-34-7

Термиз ш.: 8-(376-22) 31-104

Андижон ш.: 8-(374-2) 46-27-08

Наманган ш.: 8-(369-22) 62-11-0

Фарғона ш.: 8-(373-2) 24-56-90

Марғилон ш.: 8-(373-2) 33-55-83, 33-36-83

Нукус ш.: 8-(361-21) 5-30-69

Гулистон ш.: 8-(367-2) 25-03-88

Жиззах ш.: 8-(372-22) 4-18-41

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти малака ошириш факультетида ишлаш учун куйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. “Ижтимоий фанлар ва касбий тарбия” кафедраси:

- Кафедра мудири (илмий даражали).
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент — 1 ўрин.
- Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин.
- Ассистент — 1 ўрин.

II. “Касб-хунар таълими педагогикаси ва психологияси” кафедраси:

- Кафедра мудири (илмий даражали).
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент — 2 ўрин.
- Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин.
- Ассистент — 1 ўрин.

III. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими методикаси” кафедраси:

- Кафедра мудири (илмий даражали).
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент — 2 ўрин.
- Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 2 ўрин.
- Ассистент — 2 ўрин.

IV. “Ахборотлаштириш ва педагогик технологиялар” кафедраси:

- Кафедра мудири (илмий даражали).
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент — 2 ўрин.
- Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин.
- Ассистент — 1 ўрин.

V. “Иқтисодийёт ва менежмент” кафедраси:

- Кафедра мудири (илмий даражали).
- Профессор — 1 ўрин.
- Доцент — 1 ўрин.
- Катта ўқитувчи (илмий даражали) — 1 ўрин.
- Ассистент — 1 ўрин.

Танловдан ўтган таълимнинг долзарб муаммоларига оид илмий мақолалар чоп этган, сўнгги йилларда дарсликлар яратган профессор-ўқитувчилар ўз касбий фаолиятини янада мукамаллаштириш мақсадида чет элларга хизмат сафарлари ва стажировкаларга юборилиши мўлжалланган. Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида куйидаги манзилларда қабул қилинади:

- Тошкент— 700000. Пушкин кўчаси, 7. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти.
- Тошкент—700095. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 76-уй. ЎМКҲТРИ малака ошириш факультетининг деканати.

Орол инкирозининг кескинлашиб бораётгани ва Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муаммолар кўп жиҳатдан сув ҳўжалигида юзага келаётган таранглик билан боғлиқдир.

Пайдо бўлган ва кучаяётган сув манбалари тақчиллигининг асосий сабаби сифатида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ва минтақа аҳолисининг ўсишини келтириб ўтиш жоиз. Сув ресурслари чекланган шароитда аҳолининг ўсиши натижасида сувни истеъмол қилишда тармоқлараро ўзгаришлар юз бериши муқаррардир: коммунал-маиший эҳтиёжлар, sanoat ва қишлоқ ҳўжалигининг сув таъминоти, экосистеманинг бузилган мувозанатини қайта тиклаш ва бошқалар учун сув истеъмол даражаси ортиб кетади. Сувдан фойдаланиш муҳитининг бундай ўзгарувчан шароитида сув тақчиллиги, айниқса, суғориладиган ерларда яққол намоён бўлади.

Юқорида кўрсатилганидек, сув ҳўжалигидаги тарангликни ҳосил қилган сабаблар билан бирга, фикримизча, кейинги 40 йил ичида Орол денгизи ҳавзаси атрофидаги мамлакатларда борган сари аниқроқ кўзга ташланаётган табиий ва антропоген ўзгаришлар ҳам барқарор ривожланган сув таъминоти раҳна солади.

Бизнинг тасаввуримизча, мазкур ўзгаришлар жараёни мақсадга мувофиқ равишда чўллашиш ва минтақа иқлими қуруқлашувининг турли даражалари ҳосиласидир.

Кўпчилик мутахассислар "чўллашиш" атамасини бузилиш жараёни ёки чўл минтақаларидаги табиий шароитнинг йўқотилиши сифатида тушунадилар. Бироқ, фикримизча, "чўллашиш жараёни" тушунчаси, айниқса, сув таъминоти ва йирик минтақаларнинг намлик даражаси жиҳатидан олиб қараганда шу мазмундаги жараёнларни тўлалигича ўзида акс эттира олмайпти.

"Чўллашиш" тушунчаси маънолари ичида, бизнингча, Осиё ва Тинч океани худудининг чўллашуви бўйича бўлиб ўтган минтақавий анжуман (БМТ ЭСКАТО доирасида) учун бир гуруҳ собиқ СССР олимлари томонидан 1977 йилда тайёрланган маърузасида энг тўғри таъриф берилган. Бу маърузада "чўллашиш" тушунчаси "арид худудлар экосистемасининг бузилишига, органик дуненинг барча шакллари деграциясига ва ниҳоят, бу минтақаларнинг иқтисодий-табиий салоҳиятининг пасайишига олиб келувчи табиий ва антропоген факторлар таъсирида содир бўладиган физик ва географик жараёнлар йиғиндиси" сифатида талқин этилади.

Орол денгизи ҳавзасида жойлашган давлатлар худудидида сўнгги 40 йил мобайнида юз берган физик ва географик жараёнларни XXI аснинг барқарор ривожланган сув таъминоти нуқтаи назаридан таҳлил қилиб ва умумлаштириб, биз 4 асосий топик (йўналиш)ни кўрсатамиз ҳамда уларни чўллашишнинг асосий компонентлари ва жараёнлари, деб баҳолаймиз. Бизнинг назаримизда, юқорида қайд этилган компонентларда юз берадиган жараёнлар биргаликда ҳам, алоҳида ҳолда ҳам минтақа давлатларининг сув манбалари ҳажмига ва барқарор ривожланган сув таъминоти салбий таъсир кўрсатади.

Биринчи компонент— Орол денгизининг қуриши;

— ернинг шўрланиши ва суғориладиган худудлардаги йирик даҳаларнинг қуруқлашиши;

— дарахтзорларнинг қисқариши (дарё ирмоқлари шаклланаётган зоналардаги дарахтзорларни ва чўл-сахро минтақаларидаги саксовулзорларни кесиш);

— чорванинг кўпайиши ва транспорт денудацияси орқасидан яйловлар ўсимлик қатламнинг йўқотилиши;

— сув, шамол эрозияси ва дефляцияси; суғориладиган даҳалардаги ернинг шўрланиб кетиши;

— айрим зоналарда шўр тупроқли чўлларнинг кўпайиши ҳисобига чўл майдонларнинг кенгайиши.

Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда, 1960 йилдан 1990 йилгача бўлган давр-

да минтақанинг табиий чўллари майдони 100 минг кв.км.га ёки 8%га ортган. Афсуски, кейинги 10 йилга доир маълумотлар мавжуд эмас.

Иккинчи компонент—асосий дарё оқимларининг 30%ини ташкил этувчи музликлар майдони ва ҳажмининг қисқариши. САНИГМИ маълумотларига кўра, 1957-80 йиллар мобайнида Помир-Олой музликлари ҳажми 113 куб.км.га ёки 19%га камайиб кетган. Тахминларга қараганда, 2020 йилга бориб музликларнинг сув ресурслари уларнинг 60-йиллар бошидаги захирасига нисбатан 30%га қисқариши мумкин. "Музланишнинг қисқариши яқин келажакда оқимнинг ҳажми ва тартиби, шунингдек, чуқук сувлар сифатида дахлдор бўлган салбий оқибатларга олиб келади" — иқлимнинг глобал ўзгариши оқибатларини ўрганиш натижасида САНИГМИ келган хулосалар шундай.

Учинчи компонент — асосан йирик

25-30 йил ичида ўртача кўп йиллик ҳароратда қиш ҳароратининг кўтарилиши ва ёз ҳароратининг тушиши кузатилган.

Фаслларнинг бундай ўзгариши, бизнингча, дарё оқимларининг йиллик гидрографикада акс этмай қолиши мумкин эмас, айниқса, тошқинлар бўлиб ўтиш пайтининг ўзгаришида. Бу, биринчи навбатда, дарёларнинг ёгин билан озиқланишига боғлиқдир.

Табиий ва антропоген факторлар таъсирида юз берувчи юқорида айтиб ўтилган компонентлар ва физик-географик чўллашиш ҳамда аридизация жараёнларининг бу даражада яққол кўриниб турган фаоллашуви, назаримизда, минтақанинг сув таъминоти ва табиий-иқтисодий салоҳиятига таҳдидни келтириб чиқаради.

Юзага келган вазият Оролбўйи давлатларининг келгусидаги тараққиётга аҳолининг, айниқса, илм-фан ходимларининг диққат-эътиборини жалб қилмай

ни шарт қилиб қўяди. Сув таъминотининг бундай дастури ва Стратегияси асосий вазифалар — ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бузилган экосистемани экологик жиҳатдан соғломлаштириш вазифаларини бир вақтнинг ўзида ҳал этишга мўлжалланган бўлиши керак. Дастурда минтақада юзага келаётган чўллашиш ва иқлим аридизацияси муаммосини бар-тароф этиш муҳим ўрин тутуши лозим. Шу билан бир қаторда, Давлатлараро Дастур ва унинг Стратегияси мавжуд сув ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш бўйича биринчи навбатдаги вазифаларни ҳам кўзда тутиши лозим.

Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз билан минтақани сув билан таъминлаш бўйича давлатлараро илмий изланишлар ва амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун қилиниши керак бўлган худуд сув балансининг асосий элементлари бўлиш манбаларни янада тўларақ сафарбар қилиш имкониятини берувчи асосий йўналишлар ва тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Ўйлаймизки, Давлатлараро Дастур ва унинг Стратегиясида чўллашиш ва сув таъминоти муаммосини ҳал этишда инсон омилининг ўрни ҳақидаги бўлим ўта синчиклаб текширилган ҳолда ва муфассал баён қилиниши лозим, деган фикр ҳеч қандай эътироз уйғотмас керак.

Орол денгизи бассейни давлатларида янги ривожланиш шароитлари (1991 йилдан кейин) да кенг аҳоли қатламлари онгида табиий ва айниқса, сув ресурслари чекланган имкониятлари; иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани сув билан таъминлаш, шунингдек, чўллашиш жараёнига қарши курашиш учун давлатлар сарфлаётган йирик миқдордаги маблағлар; келажак авлод манфаатлари йўлида табиий бойликларни асраб-авайлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зарурати ҳақида ижтимоий фикрни шакллантириш муҳимдир.

Республикамизнинг Ижтимоий Фикрни Шакллантириш бўйича Миллий дастурлари ва уларни тадбиқ этиш йўлидаги тадбирлар шу кунгача одамлар онгида пайдо бўлган табиий ресурслар чексиз ва бепул деган ақидани ўзгартириш, сув, ер, ўрмон ва бошқа ресурслардан эҳтиёткорона фойдаланишга давлат этувчи Ўрта Осиё халқларининг бебаҳо анъаналарини қайта тиклашга қаратилиши даркор.

Мажбурий таълим ва минтақанинг табиий ресурслари ҳамда уларни асраш йўллари ҳақида маълумотлилик даражасини назорат қилувчи мактабгача таълим ва таълим муассасаларида махсус дастурларни жорий қилиш орқали ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида айтиш жоизки, Орол денгизи ҳавзасида айни пайтда юзага келган сув ҳўжалигидаги экологик ва демографик таранглик муайян бир ташкилот (Ўзбекистондаги сингар минтақавий марказ ёки чўллашишга қарши кураш муаммолари институти кабилар) тузиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Бундай илмий муассасани ташкил этишнинг муҳимлиги бизнинг матбуотдаги чиқишларимизда бир неча бор айтиб ўтилган эди.

Чўллашиш жараёнининг минтақа мамлакатларини сув билан таъминлашга таъсири муаммоси, ўта долзарблигига қарамадан, ҳалигача етарли даражада ўрганилмаган ва миқдор-сифат жиҳатидан баҳоланмаган.

Эслитиб ўтиш жоизки, ҳатто сув билан яхши таъминланган Японияда ҳам 1968-73 йилдаги «Буюк Судан-сахун қуруқчилиги»дан кейин Чўллар институти ташкил этилган.

Бизнингча, чўллашиш муаммолари ва чўлларни ўзлаштириш билан шуғулланувчи хорижий мамлакатлар (Австралия, АҚШ, Тунис, Миср, Франция, Япония, Ҳиндистон, Кения, Туркменистон ва бошқ.) билан ҳамкорликда БМТ шафёлигида ва ЮНЕП дастури доирасида чўллашиш ва иқлим аридизациясига қарши кураш бўйича бундай Марказ ёки Институти тузилиши XXI асрда Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларини Барқарор Ривожланиш муаммоларини ечишга муҳим ҳисса қўшади.

Н. ХАМРОЕВ,
академик



ЎРТА ОСИЁНИНГ ЧўЛЛАШИШИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНГАН СУВ ТАЪМИНОТИГА ТАҲДИД



қўриқ майдонларига сув чиқариш ва ўзлаштириш ҳисобига сунъий агросаноат ландшафтларининг яратилиши ва атроф-муҳитнинг кенг миқёсда тубдан ўзгариши.

1960 йилдан бери ўтган даврда Орол денгизи ҳавзасидаги республикалар худуди ландшафти сув ҳўжалиги иншоотларининг ривожланган тизими билан бутунлай ўзгартирилган: сув омборлари ва ҳовузлар, магистрал каналлар, тракт ва коллекторлар, автомобиль ва темир йўлларининг зич тизими. Суғориладиган ерлар майдони 8 млн гектарга етиб, деярли 2 баравар ортди. Шу даврнинг ўзида фақатгина Ўзбекистонда аҳоли сони 3 марта, шаҳарлар, шаҳар кўринишидаги кўрғонлар ва қишлоқлар сони 2 марта кўпайди. Бу йирик ўзгаришлар минтақанинг бошқа давлатларида ҳам кузатилди.

Табиийки, бундай кенг миқёсдаги антропоген агросаноат мажмуининг яратилиши маълум маънода ер ва сув ҳавзаларининг устки қатламлари (альбедо) унумдорлигининг ўзгаришига, ўз навбатида, ҳам радиация, ҳам иссиқлик мувозанатига таъсир кўрсатди. Бир нарса аниқки, ёз ва қишнинг ўртача фаслий ҳароратидаги ўзгаришларни белгилаб берувчи **Тўртинчи компонент**—чўллашиш ва аридизация ҳам айнан шу билан боғлиқ.

ЎзФА геология ва геофизика институти берган маълумотларга кўра, сўнгги

қўймайди.

Ўзбекистон Ҳукумати содир бўлаётган жараёнларнинг хавфини тўғри баҳолаб, 1993 йилда Иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги, 1995 йилда Чўллашишга қарши кураш тўғрисидаги БМТ Конвенцияларини қабул қилди.

1993 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида ҳамкорлик қилиш ҳақида 15 та халқаро шартнома имзоланди.

1998 йилнинг октябрь ойида республикадаги олимлар ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистонда чўллашишга қарши кураш бўйича ҳаракатлар Миллий дастури" тасдиқланди.

Бироқ, минтақа республикаларидаги замонавий илмий салоҳият ва тарихий тажрибага қарамадан, биз ҳанузгача Чўллашиш ва иқлим аридизациясига қарши ишлаб чиқилган ҳаракатлар режаси ва Давлатлараро Комплекс Дастурига, шунингдек, уларни тадбиқ этиш Стратегиясига эга эмасмиз.

Ишончимиз комилки, XXI асрда Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларида Барқарор Ривожланган сув таъминоти масаласи ҳал қилувчи бўлмаса-да, муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўриниб турибдики, минтақада Барқарор Ривожланган сув таъминотини йўлга қўйиш Стратегияси ва Давлатлараро Дастурини ишлаб чиқиш илм-фанни кучайтириш ва давлатларнинг амалий ҳаракатларини шу соҳага сафарбар этиш-

Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан амалий ишларга чет эллик ҳамкорлар ҳам бош қўшмоқдалар. Жумладан, АҚШ ҳукумати Қорақалпоғистон Республикасининг Халқобод шаҳрида қудуқлар қазиш, қўл наосларни ўрнатиш учун сарф-

ЧЕТ ЭЛ МАБЛАҒЛАРИ ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА

ланишга мўлжалланган 25 минг АҚШ долларига тенг миқдорда грант ажратди. Миллий матбуот марказида ушбу грант шартномаси АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Э.Хёрбст ва "Ата-

макан" хайрия жамғармаси ижрочи директори Есназар Усенов томонидан имзоланди. Шартномага мувофиқ АҚШ ҳукумати "Атамакан" жамғармасига 25 минг АҚШ долларига тенг грант ажрата-

ди. Ушбу маблағ 10000 киши истиқомат қиладиган Халқобод шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлашга сарфланади.

"Атамакан" хайрия жамғармаси Халқобод шаҳрида

1999 йилдан буён фаолият кўрсатади. 2000 йили Каунтерпарт Консорциум халқаро ташкилоти дастурига асосан бу ерда шундай лойиҳа амалга оширилган эди. Бундай эзгу ишлар ҳали яна давом этади.

МУҲБИРИМИЗ

АСОСИЙ КУРС

Lesson 8

Оила аъзоларининг
инглизча номлари:

1. A mother	-	она
2. A father	-	ота
3. A brother	-	ака ёки ука
an elder brother	-	ака
a younger brother	-	ука
4. A sister	-	опа ёки сингил
an elder sister	-	опа
a younger sister	-	сингил
5. A grandmother	-	буви
6. A grandfather	-	бобо
7. A house-wife	-	уй бекаси
8. To have	-	эга бўлмоқ
I have	-	менда бор
He has	-	унда бор
We have	-	бизда бор

Text

I have a family. Our family is not large. We are five in our family. I have a father, a mother, an elder brother and a younger sister. My father's name is Karim. He is 42 years old. My father is a doctor. He works at

1

ИНГЛИЗ ТИЛИ
САБОҚЛАРИ

the hospital. His hobby is football. My mother's name is Nasira. She is 40 years old. My mother doesn't work. She is a house-wife. She likes cooking. My elder brother's name is Kamol. He is 20 years old. My brother is a student. His hobby is music. My younger sister's name is Saodat. She is 10 years old. She is a schoolgirl. She goes to school number ten. Her hobby is dancing. Our family is friendly. I love our family.

Dialogue.

—Is your family large?
—Yes, it is. I have a father, a mother, two sisters and a brother.
—Does your father work?
—Yes, he does. He works at a hospital. He is a doctor.

Текстга қўшимча.

1. Инглиз тилидаги отларга, (асосан атоқли отларга) қўшилган "s" ўзбек тилидаги қаратқич келишиги қўшимчаси "-нинг"ни ифодоловчи элементдир. Агар от кўплик шаклида келса, "-нинг" қўшим-

2

часи фақат апостроф орқали берилади.
A sister - опа
my sister's son - опамнинг ўғли.
my sister's sons - опаларимнинг ўғиллари.

2. Инглиз тилида сонларнинг ишлатилиши:

2-two - икки
5-five - беш
10-ten - ўн
40-forty - қирқ
42-forty two - қирқ икки

3. Инглиз тилида исмларнинг айтилиши
1. my name - менинг исми
2. his name - унинг (эркак, ўғил боланинг) исми.
3. her name - унинг (аёл, қиз боланинг) исми

Намуна: My name is Rano - Менинг исми Раъно
His name is Ravshan - Унинг исми Равшан
Her name is Aziza - Унинг исми Азиза

(Давоми бор)
Good bye!

3

"ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУН" —
ҲАММАБОП КИТОБ

Маълумки, бугунги кунда бутун жаҳон мамлакатларида, хусусан, бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам экология масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган юридик фанлар доктори, профессор Жума Холмўминовнинг "Экология ва қонун" китоби экологик муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий сир-асрорларини тушуниб етишда, табиат муҳофазасининг ҳуқуқий муаммоларини кенгрок англашда китобхонларга ҳар томонлама ёрдам беради.

Ун беш бобдан иборат бўлган мазкур китобнинг ўзига хос жиҳати шуки, унда экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, мустақиллик йилларида қабул қилинган экологияга оид қонунлар моҳияти савол-жавоб тарзида тўла-тўқис тушунтириб берилган. Жами 461 тадан иборат бўлган бу савол-жавоблар ҳуқуқни, экологияни муҳофаза қилувчи органлар, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, раҳбарлар, табиатшунослик ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари, ўқувчилар, талабалар, умуман барча учун бу соҳага доир зарур билимларга эга бўлиш имконини беради.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, китобнинг ёзилишида Президентимиз асарларидан, жумладан, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асаридан, шунингдек, парламент ва ҳуқуқат томонидан қабул қилинган табиат ва унинг компонентлари муҳофазасига оид барча қонунлар, кодекслар, қарорлардан, мутахассислар, олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларидан кенг фойдаланилган ва улар атрафлича таҳлил қилинган.

Бобларга "Ўзбекистонда экологик аҳвол", "Табиатни

муҳофаза қилиш — барчанинг иши", "Сув ва сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби", "Ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг аҳамияти", "Ҳайвонот дунёси ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш", "Уммон — бу экология!" каби номлар берилган. Бундан кўриниб турибдики, улардаги савол-жавобларда "экология" атамасининг маъноси, ҳуқуқий моҳияти, Марказий Осиё, Оролбўйи, шунингдек, Ўзбекистондаги экологик ҳолат, мамлакатимизда юзага келаятган экологик муаммолар,

хавф-хатарлар ва уларни ҳал этиш билан шуғулланувчи давлат органлари, кўмиталар, муассасалар фаолияти, бу борада амалга оширилган ишлар, экологияда давлат назорати, экологик суғурта ва табиатни муҳофаза қилишнинг рағбатлантирилиши, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва улар учун белгиланган жавобгарлик, Ўзбекистон сув захиралари ва улардан фойдаланиш ҳолати, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва бир маромда ривожланишини таъминлашда фуқароларнинг иштироки, давлат ер кадастрлари ва бу борадаги давлат бошқаруви, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар, ер солиғи каби жуда кўпмасалалар таҳлил қилинган.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчи китобни ўқир экан, асримизнинг асосий муаммоси сифатида инсониятга таҳдид солиб турган манбаларни билиб олиш билан бирга, бу борада етук ҳуқуқий билимга эга бўлади.

Одил ЭРГАШЕВ,
меҳнат фахрийси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Ёзги таътил кунлари бўлишига қарамай Мавлуда опани мактабда учратиш суҳбатлашар эканман, "Шуҳрат" медали ўз эгасини топибди, деган хулосага келдим. Синф хоналари таъмирдан чиқарилган. Кўпгина мактабларда таъмирлаш ишларига ота-оналар беминнат ёрдам бераётганлари ҳолда, бу мактабга "Жунни қайта ишлаш" фабрикаси, Келес шаҳридаги "Хайрулла", "Башорат" фирмалари ҳам ўз хиссаларини қўшаётганларидан хурсанд бўлдим.

Ишбилармон раҳбарнинг суюғи шу мактабда қотган. Тошкент туманидаги 11-мактабни "аъло" баҳолар билан тугатган Мавлуда Бекжонова 30 йилдан бери рус тили ва адабиёти фанларидан ёшларга сабоқ бериш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозирги кунда 60 нафар ўқитувчидан 1000 дан ортиқ ўқувчи таълим олаётган кадр-



ҳизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлди. Дарс самарадорлиги ошиши билан ўқувчилар билими ҳам мукамал бўлиб, фан олимпиадаларида бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, Меҳризод Билолидинова рус тилидан, Фаррух Му-

Xalq ta'limi fidoyilari

зиб беришимиз керак. Токи мактаб обрўси кўтарилсин.

Бу мақсад йўлида қилинаётган айрим ишлар билан танишдик. Аввало, тўғрак ишлари қандай бораётгани, натижалари билан қизиқдик. "Ёш рассомлар" тўғараги аъзолари Хилолиддин Сирожидинов, Алишер Воҳидовлар, "Ёш табиатшунослар" тўғараги аъзоси Носир Латиповлар вилоят ва республика иқтидорли ўқувчилар анжумани иштирокчиларидир.

"Олимпиада умидлари — 2001" спорт мусобақасида мактаб ўқувчилари, тўғрак аъзолари спортнинг оммавий 7 тури бўйича қатнашиб, футбол бўйича вилоятда 2-ўринни, волейбол бўйича қизлар гуруҳи ҳам, ўғил болалар гуруҳи ҳам фахрли ўринларни эгалладилар.

Суҳбатимиз сўнгиди биз Мав-

МУВАФФАҚИЯТЛАРГА
ИНТИЛГАН ЎҚИТУВЧИ

дон мактабига раҳбарлик қилмоқда. 16 йил илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган муаллима доимо мактабда ўқитиш ишларида алоҳида эътибор беради. Эринмай дарс кузатади, ёш ўқитувчиларга услубий маслаҳатлар беради. Мавлуда опа таҳлиллари мукамал, замонавий дарсга қўйилган талаблар, ДТС талабларининг бажарилаётгани, дарсларнинг узвий алоқадорлиги, янги педтехнологиянинг қўлланиши кабиларга ургу бериши билан аҳамиятлидир. Ҳар бир ўқитувчидан шундай дарс талаб этиши натижасида биология фани ўқитувчиси Зулфия Сайдахмедова, кимё фани ўқитувчиси Сония Бобохонова, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муқаддас Солиқоваларнинг иш тажрибалари омалаштирилди. Физика фани ўқитувчиси Бахтиёр Умаров эса "Ўзбекистон Республикасида

саев физикадан, Зулфия Пўлатова географиядан туман ва вилоятда фахрли ўринларни эгалладилар. Опанинг маслаҳат ва ўғитлари билан она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нодира Розикова "Йил ўқитувчиси" танловида вилоятда 3-ўринни эгаллади.

Мавлуда опа ҳамкасблари ва ўқувчилари ҳақида фахрланиб: — Ўқувчиларимизнинг ютуқлари бизнинг олиб бораётган ишларимизга, дарсларимизга қўйилган оид баҳодир, — дейдилар. — Ҳозирда мактабимизни битирган ўқувчиларимизнинг кўпчилиги элимиз хизматида. Шулардан Анвар Зокиров — ХТВда, Шокир Иноғомов — Ички ишлар вазирлигида, Бахтиёр Ҳақимов Яққасарой тумани ИИБ бошлиғи ва Азима Ҳақимова туман "Соғлом авлод" хайрия жамғармаси раиси лавозимларида сидқидилдан меҳнат қиляптилар. Биз уларнинг издошларини тарбиялаб жамиятга етқа-

луда опанинг келгуси режалари билан қизиқдик:

— Устозларим Ў.Маҳмудов, А.Халиловлар ишларини давом эттириб, мактаб шуҳратини вилоятда ҳам кўтариш мақсадида, аввало, ўқувчиларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, қолаверса, мактабимизда кимё ва меҳнат фанларидан ўтказилаётган тажриба-синов ишларини муваффақиятли яқунлаш, психолог ишларини, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ишларини яхшилаш, кутубхонани янги адабиётлар билан бойитиш — бизнинг асосий вазифаларимиздир, — деди у.

Дарҳақиқат, маънавиятни бойитиш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда китобнинг ўрни бекиёслигини тушунган раҳбар, фидойи ўқитувчининг бу режалари ҳам амалга ошишига биз ҳам ишондик.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

МУРОСА ҚИЛСА БЎЛАДИ

Македония ва албан вакиллари ўртасида янги битим им-
золанди. Унга кўра жангарилар эгаллаб олган ҳудудлари-
дан ўз кўшинларини олиб чиқиб кетадилар. Натижада, уруш
туфайли уйлари ташлаб кетган минглаб македониялик-
лар қишлоқларига қайтадилар. Шунингдек, НАТО Бош ко-
тиби Жорж Робертсон ва Оврупо Иттифоқининг сиёсий ма-
салалар бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Соланолар
Скопьеда можаро юзасидан томонлар ҳамкорлигида музо-
каралар олиб бордилар. Ундан аввалроқ эса Македония
ҳукумати Косово билан чегарасини ёпиб қўйган эди.

ГРОЗНИЙДАГИ ҚОТИЛЛИК

Грознийда ваҳшиёна қотиллик юз берди, дея хабар беради "Интерфакс". Маълум бўлишича, номалум шахслар бир чечен оиласига ҳужум қилишиб, 40 ёшли аёл ва унинг 18 га тўлган қизини ўлдирганлар. Кўп жойидан пичоқланган ҳамда отиб ташланган марҳумлар жасадлари Чёрноречье қишлоғидаги уйдан топилди. Ҳозирда ушбу жиноят устида тезкор қидирув гуруҳи иш олиб борапти.

ҚАРШИЛИККА УЧРАЁТГАН ДАСТУР

Қурулган кучлар ишлари бўйича АҚШ сенат кўмитаси вакили Карл Левин мамлакат президенти Жорж Бушни Ракета Ҳужумидан Мудофаа (РХМ) тўғрисидаги 1972 йили имзоланган шартномадан чиқмасликка чақирди. Унинг фикрича, АҚШ ва Россия ўзаро муносабатларида янги стратегия ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Жанубий Корея пойтахти Сеулда эса Кўшма Штатлар давлат котиби Колин Пауэлл ташрифи муносабати билан Американинг РХМ тизимини такомиллаштиришидан норози бўлган кишилар намойиш ўтказдилар.

ЯНГИ ВИЦЕ- ПРЕЗИДЕНТ

Индонезия парламенти мамлакат вице-президенти лавозимига мусулмонларнинг Тараққиёт Бирлашган партияси раҳбари Хамзах Хазни сайлади. Янги президент Мегавати Сукарнопутри эса ҳукумат таркибини тузишни бошлаб юборди. Унинг мақсади, аввало, мамлакатни иқтисодий инқироздан чиқаришдир. Собиқ раҳбар Абдурахмон Воҳид эса яқин кунларда қароргоҳни тарк этишини билдирди, дейилади Рейтер агентлиги хабарларида.

ЖОСУСЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Хитой ҳукумати жосусликда айбланиб, 10 йиллик қамоқ жазоси берилган америкалик социолог Тео Чжанни озод этди. Ундан аввалроқ эса яна бир илмий тадқиқотчи Ли Шао Минни ҳам озод этилган эди. Суд маҳкамаси Шао Минни Тайван жосуси деб айблаган эди. Бу икки шахснинг суд ҳукмидан қутилиб қолишига Кўшма Штатларнинг аралашуви сабаб бўлди. Улар ҳозирда Хитой мамлакатидан чиқариб юборилди.



Nobel mukofoti sohiblari

университетига физик-профессор лавозимига тақлиф этилади ва кўп ўтмай у оиласи билан Англияга қайтиб келади.

Шундан сўнг у бир неча йил рентген ва гамма-нурларининг хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини давом эттирди. Унинг фикрича, бу нурларда тўлқин хусусиятларидан кўра уларнинг заррачалар оқимидан иборатлиги устун турар эди. Шу муаммолар бўйича, айниқса, рентген нурларнинг табиати борасида Чарлз Баркла билан қизгин мунозаралар олиб борди.

Лекин 1912 йили Макс фон Лауэ кристалларда рентген нурларининг дифракцияси ҳодисасини аниқлади ва бунда ёруғлик ҳосил қиладиган интерференцион ҳодисага ўхшаш манзарани кузатди. Бундай интер-

вишда "Рентген нурлари ёрдамида кристаллар тузилмасини аниқлашга доир илмий тадқиқот ишлари учун" ота-бола Брэггларга берилди.

Ўша йилдан бошлаб У.Г.Брэгг Лондондаги университет коллежида физика профессори лавозимида ишлай бошлади. Биринчи жаҳон урушининг бошланиши Брэгг олиб бораётган кристалларнинг тузилишини ўрганиш борасидаги илмий ишларини вақтинча тўхтатиб қўяди. Уруш йиллари у денгиз акустикаси ва сувости акустик датчиклари муаммоси билан шуғулланган олимлар гуруҳига раҳбарлик қилди.

Урушдан сўнг катта илмий жамоа ташкил этган олим органи кристалларнинг рентген анализи билан боғлиқ йўналишга раҳбарлик қила бошлади. Бу

КРИСТАЛЛАР СИРИНИ ОЧГАН ОЛИМ

Шу тарзда у 18 йил давомида физика ва математика бўйича профессор лавозимида ишлади.

Аделанд университетиде ишлаш давомида Брэгг жуда кўп илмий рисоалар билан таниша борди, лекин ўзи алоҳида илмий тадқиқот ишларини ўтказишга шошилмади.

1904 йили радиоактивлик соҳасидаги Эрнест Резерфорд, Мария ва Пьер Кюриларнинг ўтказган тажрибаларига қизиқиб қолади. Шундан кейин у илмий тажриба ишларини йўлга қўя бошлади. У аввалига ёруғлик нурларининг радиоактивликка таъсирини, кейинчалик эса радиоактив моддаларнинг парчаланиши вақтида ажралиб чиқадиган альфа-заррачаларнинг сингиб ўтиш хусусиятини ўргана бошлади.

У ўзи ўтказган тажрибалар асосида берилган радиоактив моддадан ажралиб чиқадиган альфа-заррачаларни бир-бирдан аниқ ажралиб турадиган гуруҳларга ажратиш мумкинлигини аниқлади.

Бунда ҳар бир гуруҳга тегишли заррачалар мос равишда йўлдаги тўсиқлардан турлича масофага сингиб ўта олади.

Заррачаларни бундай гуруҳларга бўлиниши физикада кутилмаган ҳодиса эди. Чунки ушбу орқали ҳар бир гуруҳга тегишли бўлган заррачаларнинг бошланғич тезликлари аниқланди. Бундан кўринадики, альфа заррачалар сингиб ўтган масофасига қараб, шу зарраларни чиқараётган ядролар турини аниқлаш мумкин.

Бу кашфиёт ва уни тўла тасдиқловчи илмий-тадқиқот ишлари барча радиоактив нурларга қўлланиши билан Брэгга оламшумул машҳурлик келтирди.

1908 йили У.Г. Брэгг Лидс

ференцион манзара фақатгина тўлқинларга тегишли бўлгани учун ҳам Брэгг ўзининг корпускуляр назариясидан қайтади.

Машҳур олимлар М.Планк, А.Эйнштейн ва М. Борларнинг квант назарияси соҳасидаги илмий ишларидан сўнг барча электромагнит нурланишлари (ёруғлик, рентген нурлари) ҳам тўлқин ҳам заррача хусусиятига эга эканлиги тўла исботланди.

1912 йилдан бошлаб ўз ўғли У.Л. Брэгг билан бирга Лауэ аниқлаган рентген нурларида дифракция ҳодисасини чуқурроқ ўрганишга астойдил киришдилар.

Ўғли бу ҳодисанинг назарий томонларини ўрганаётган бир вақтда, у ўзининг рентген спектрометри деб аталадиган курилмасини яратди. Бу курилманинг асосий вазифаси дифракцияланган рентген нурларини ўлчаш ва уларни қайд этишдан иборат эди.

Улар биргаликда рентген спектрометри ёрдамида турли кристалларнинг тузилмаларини аниқлашга эришдилар.

Ота-бола Брэгглар яратган бу янги усул, айниқса, кимёгарлар учун жуда муҳим янгилик бўлди. Бу ихтиро ва кашфиётлар кейинчалик рентген кристаллографияси деб номланган замонавий янги фаннинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Рентген дифракцион техникаси кўп соҳаларда, жумладан, материалларни ўрганиш каби фан тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб рентген спектрометрлари юқори даражада автоматлашгани билан курилманинг ишлаш усули Брэгг яратган ҳолда қолган.

1915 йили физика соҳасидаги Нобел мукофоти ҳақли ра-

ИККИНЧИ ХОРИЖИЙ САФАР

Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир Россияга расмий сафарини бошлади. Айтишларича, махсус поездда Россияга кириб келган президент самолётда учишдан кўрқар экан. Режага кўра, келгуси ҳафта охирида у Владимир Путин билан музокаралар олиб боради. Бу Ким Чен Ирнинг бор йўғи иккинчи хорижий сафари бўлиб, ўтган йилнинг май ойида Пекинга ташриф буюрган эди. Москва сафари Владимир Путиннинг 2000 йил Пхеньянга борганига жавоб бўлади. Россия раҳбари Шимолий Кореяни халқаро ҳамжамиятдан яққаланиб қолмаслиги учун воситачилик қилмоқчи.

ГЕНЕРАЛ СУДЛАНМОҚДА

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Хорватия мудофаа вазирлиги маслаҳатчиси генерал Раҳим Адем халқаро Гаага трибунали маҳкамасига келтирилди. 1999 йил мамлакат қурулган кучларининг Сербия ҳудудларини Хорватияга қўшиб олиш операцияларини амалга оширишга алоқадорликда айбланмоқда. Лекин, генерал ўзига қўйилаётган айбловларни рад этмоқда. Адем Гаага трибуналида жиноятчи сифатида жавоб бераётган биринчи Хорватия фуқароси саналади.

СУТКАЛИК КЕЧИКИШ

Си-эн-эн агентлигининг маълум қилишича, "Atlantis" фазо кемаси Флорида штатидаги Кеннеди номли космик марказга муваффақиятли қўнди. Лекин, Канаверал бурнида ёмғир ёғиши туфайли, унинг қўниши қарийб бир суткага кечикди. Мутахассислар фикрича, кечикиш экипаж аъзоларига хавф туғдирмаган. Чунки, заҳирадаги ёқилги ҳамда озиқ-овқат бир неча кунга етарлича бор эди. Фавқулодда вазият туғилган тақдирда ҳам "Atlantis" NASAнинг Калифорниядаги ҳарбий базаси азродромига қўниши мумкин эди. Бироқ, уни Калифорниядан Флоридага олиб кетиш учун эса 1 миллион доллар маблағ керак бўларди.

14 СОАТЛИК ҚАМАЛ

Буюк Британияда "Greenpeace" ташкилотининг 41 нафар жамоатчиси полиция томонидан ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, улар "Esso" компаниясининг ёқилги тақсимлаш марказини 14 соат вақт мобайнида қамал ҳолатида ушлаб турганлар. Ушбу компания Американинг "Exxon Mobil" нефть компаниясининг филиали ҳисобланади.

"Greenpeace" жамоатчилари Киото шартномасига нисбатан АҚШ юритаётган сиёсатдан норози бўлмоқдалар ва иқлимнинг тобора исиб бораётганига халқаро ҳамжамиятнинг эътибор қаратишини хоҳламоқдалар.

ШАНКАР ФОЛИБЛАРИ

Ўзбек санъаткорларининг, олим ва спортчиларининг турли-туман халқаро мусобақаларда қатнашишларига кўникиб қолдик. Уларнинг ҳар бир танлов ва мусобақадаги ғалабалари бизни қувонтирмоқда, юрагимизда ғурур ҳисларини уйғотмоқда.

Ҳиндистонда ҳар йили Шанкар халқаро болалар расмлари мусобақаси ўтказилади. Бу мусобақаларда ёш ўзбек расмлари ҳам бир неча йилдирки иштирок этишмоқда. Ушбу мусобақани ўтказувчи ташкилот 1949 йилда ташкил этилган. Деҳли шаҳрида уюштирилган дастлабки "Шанкар ҳафталигида" шу мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 16 ёшгача бўлган мингдан зиёд болалар иштирок этишган эди. Орадан бир йил ўтгач ушбу расм чизиш ва мақолалар ёзиш бўйича белашувга "Шанкар халқаро болалар мусобақаси" мақоми берилди. 1950 йилда жаҳоннинг қарийб 15 мамлакатидан етти минг нафардан ортиқ болалар ўз ижод намуналарини намойиш этишга муяссар бўлишган.

Ўтган ярим аср мобайнида дунёнинг 140 мамлакатидан таълим олаётган 160 мингдан ортиқ умидли ижодкорлардан 800 нафари муносиб тақдирланди.

Яқинда ўтказилган мусобақаларда ўзбекистонлик ёш мўйқалам соҳибларидан 15 нафарига олий даражадаги мукофотлар ҳамда сертификатлар топширилди. Ўзбекистонлик ўқувчилар Н.Зиёнова ва А.Ҳамроевлар олтин медаль соҳиби бўлишди. Шунингдек, улар ишлаган расмлар "Шанкар болалар санъати" китобида нашр этилади.

Ҳа, режиссёр Дональд Петри яратган "Ғаройиб пицца" фильми Джулия Робертс ва Сандра Баллокларга чинакам омад келтирди. Бутун дунё бўйлаб шов-шувга сабаб бўлган

зани яратишда ҳам ўзига хос имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

Шу боис, Петри ўзи яратган асардан жуда ҳам кўнгли тўқ. Аввало, у фильмнинг

БИР ФИЛЬМДА ИККИ ОМАД

ушбу фильм Джулияни "уртача ижро"лар исканжасидан маҳоратли актёр даражасига олиб чиқди. Сандра Баллотнинг ишқий саргузаштларга бой роллардагина етук ижрочи эмас, балки жиддий қаҳрамонлар обра-

дастлабки ижарасидан 100 миллион доллар фойда олди. Қолаверса, маҳоратли кино юлдузларидан иборат ижодий ҳамкорларга эга бўлди.

Демак, чинакам ижод маҳсули ўз мевасини берарканда,

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган "Эстрада кўшиқчилик санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги қарори, шубҳа йўқки, ўзбек эстрада санъатининг янги истиқболлини белгилаб берувчи дастуриламал бўлди. Бу эса ўз-ўзидан ёш эстрада хонандалари учун ҳукуматимиз томонидан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти соҳибларию номзодларига ўзига хос масъулият ҳам юклайди.

Яқинда "Ниҳол" мукофоти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш аъзоларининг ақсарияти ёш ижрочилардир. Тадбирда мазкур мукофотнинг таъсис этилиши ёшларнинг санъат ва маданиятга қизиқишини янада кучайтираётгани, мусиқанинг турли йўналишларида ижод қилаётган истеъдодли санъаткорлар етишиб чиқаётганига замин бўлаётгани таъкидланди. Эндиликда бу мукофотга ном-

"НИҲОЛ" КИМЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ?

зодларни танлашда ёш ижрочи ўз ижодида миллийлик билан замонавийликни нечоғли уйғунлаштира олганига ҳамда унинг бадиий савияси ва маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади. Ўтган йили "Ниҳол" мукофоти соҳибаси бўлган Нилуфар Раҳматова, Дилфуза Раҳимоваларнинг мақом йўналишида ҳам сезиларли даражада баракали ижод қилаётганини эса газетхонлар яхши билишади.

Кенгаш йиғилишида маданият муассасалари, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари томонидан "Ниҳол" мукофотига тавсия этилган 74 нафар номзоднинг ижодий ишлари кўриб чиқилди.

Ушбу танлов ғолиблари мустақиллигимизнинг 10 йиллиги тантаналари арафасида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Сожида АБДУҚОДИРОВА

ПОЙТАХТДА ЖИЗЗАХЛИКЛАР МЕЗБОН

Жиззах ҳақида гап келгудек бўлса, ҳамма дастлаб унинг бугунги кунда чирой очиб бораётганлиги, жуда кўплаб спорт мусобақалари ва санъат фестивалларини ўтаётганлигини гапирарди. Дарҳақиқат, шундай. Лекин бу сафар жаззахликлар ўз меҳмонларини пойтахтга, аниқроғи, Республика бағиш академиясига кутиб олишди.

"Шу азиз Ватан барчамизники" номи остида, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган фестивални ўтказиш навбати Жиззах вилоятига етди.

Фестивалнинг бошқа вилоятларнинг мана шундай кўргазмасидан фарқи равишда, жаззахлик санъаткорларнинг дилрабо кўшиқлари, раққоса қизларнинг мафтункор рақслари билан очилди.

Тўғриси, ҳеч қайси вилоят кўргазмага шунчалик кўп ва хўп экспонат олиб келмаган эди. Бағиш академиянинг икки зали ҳам жаззахлик меҳнаткашлар етиштирган, хунармандлар, расомлар яратган маҳсулотлар билан тўла эди. Айниқса, оддий қовоқдан санъат асарни яратган (Ж.Солиев, Б.Мамадиёров), дарахларнинг илғизига ишлов бериб, унга маъно-мазмун бахш этган, Бахмал, Зомин тоғларининг гўзаллиги ва фусункорлигини мўйқаламлар орқали акс эттирган ижодкорларнинг ишлари барчага манзур бўлди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлиснинг қўмита раиси, халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидов жаззахликларнинг бугунги кунда эришяётган ютуқлари, улар қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳақида сўзлади.

Ш.МАДРАХИМОВА



род — софланиш", деган фикри том маънода ҳақ. Адабиёт инсон камолоти учун хизмат қилади. Фалсафий-ахлоқий таълимот бўлган сўфийликнинг зоҳиран намоён бўлиш жараёни адабиётда акс этади, десак адашмаймиз. Шунга кўра, Сўфи Оллоёр ва Хувайдо шеърлятида бадиийлик ва рамз қурилиши, изчил бадиий мазмун етакчи эди, дейиш унчалик тўғри эмас. Зеро, улар биринчи галда тасаввуф дунёқараш тарғиботи билан машғул бўлганлар. Машраб ва Нишотийда тасаввуфий дунёқараш тарғиботи ўларок,

Лабинг зилолидин бир паймонаи саршор топмадим. Нишотийдан:

Жом аро май кўзгуси ичра юзи аксин кўруб,
Ушбу юздин гаҳ Сикандар эдим у гаҳ Жам эдим.

Байтлар мазмуни шундан даллат берадики, шоирлар бир ғояни — инсон камолоти ғоясини ҳар хил усулларда берганлар. Байтларда илоҳий муҳаббат ҳақида сўз борапти. Дастлабки, байтда ташбеҳу сифатлашарисиз асосий ғоя ўқувчига етказилса, кейинги байтларда муайян ғоя ўқувчининг изланиши оқибати-

"Маҳбул кулуб"ида келтирилган "Одами шарифи кавнайн-дур" ("Одам икки дунёда шарафлангандир") сўзларига эътибор қилсак, Инсон Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг қаймоғи эканлиги англашди. Ва Парвардигор оламларни яратишдан мақсади Одамни яратиш эканлигини эсласак, адабиётда дунёвийлик ёхуд тасаввуфийлик деган нисбий тафриқларга ўрин қолмай, адабиёт — инсон учун, деган ягона маслак устувор эканлигини тушуниб етамиз.

Атоқли олим Е.Э.Бертельс

Sarchashma

молотига хизмат қилади, деган тезисни илгари сургандан тўла ҳақ эди.

Хулоса шуки, "дунёвий" ёрлигига эга манзум ва мансур асарлар ҳам маълум маънода Инсон камолотига хизмат қилади. Аслида ҳам, "дунёвий" деб аталган шеърларнинг зоҳирига қараб, дарров хулоса чиқариш инсофдан эмас. Чунки Ислому маъшуқа (демак — аёл, баъзида — эрак)нинг тан аъзоларини васф қилишни шариат ҳукмидан ташқарида деб билади ва ошиқ-маъшуқа ўрталаридаги муносабатларнинг "дастурхон" қилиниши Шарққа хос хусусият эмас.

Ислому аҳкомларининг ҳаёти мазмунига айланган Шарх камолотининг охириги нуқтаси — тасаввуф. Шу маънода манзум, мансур асарлардан сўфиёна ғояни излаш билимсизлик эмас. Ҳамма гап, топилманинг жез эмас, олтин эканлигида. Зеро, адабиёт рамзлар асосига қурилади. Айниқса, шеър рамзлар орқали иш кўради, бусиз қуруқ сўзлар йиғиндисига айланиб қолади. Шундай экан, шеър (ёки насрий) асарни бу тасаввуфий, бу дунёвий деб тафриқламадан, фақат моҳиятига эътиборни қаратиш адабиёт-шуносликда ютуқ бўларди, деб ўйлайман.

Мўминжон СИДДИҚОВ,
ЎЗР ФА Алишер
Навойи номидаги
тил ва адабиёт институти
докторанти

МУМТОЗ АДАБИЁТДА МАЗМУНИЙ ТАФРИҚА

мазмун силсиласи, бадиий тасвир воситалари, шакл мутаносиблигига эришилган. Натижада, улар ҳам дунёвий (зоҳирда), ҳам тасаввуфий (ботинда) ғояни тарғиб қила билиш малакасига эга бўлганлар.

Сўфи Оллоёрдан:

Муҳаббат бўлмас
ҳар кимда, эй хайр
Отанг бўлса эрур
беғонаи ғайр.

Хувайдодан:

Истадим жон шаҳрини,
андин сўраб топдим изинг,
Айдилар: "Ёринг яқин,
аммо унинг йўли йирог".
Машрабдан:

Фироқ даштида ташна
юруб зору саргардон,

дагина англашди. Бунинг учун истилоҳлар, бадиий тимсоллар маъносини тўғри тушуномқ даркор.

Чунончи, Машраб шеърларидаги зоҳирий маъно худди ботиндаги маъно каби сўфиёна эканлиги аллақачон исботини топган. У қўллаган истилоҳлар, тимсолларнинг шарҳи кўп мақолаларда учрайди. Шунга суняиб, Машраб шеърлари дунёвийликдан бутунлай холи дейилса, яна бир томонламаликка йўл қўйилади. Агар Қуръони Каримнинг "Ал-исро" сурасидаги "Ва-лақад каррамно бани одама" ("Биз одам болаларини азизу муқаррам қилиб яратдик") дейилган ояти каримага ва Навоийнинг

**ЖАНЖАЛКАШ
ХУЖУМЧИ ҚАЙТДИ**

“Миннесота Тимбервулвз” клубини ўтган йили тарк этиб, “Детройт”да жон сақлаган баскетбол хужумчиси Джо Смит яна ўз жамоасига қайтди. 6 йиллик шартнома баҳоси 34 млн. доллар бўлиб, унинг асосий шарти Смит ҳар қандай жанжалдан ўзини тийиши ва жамоа молиявий ноҳақликка йўл қўймаслиги лозим.

**ТРАНСФЕР БАҲОСИ
АЙТИЛМАДИ**

Кеча футбол бўйича Жаҳон ва Европа чемпиони — Франция терма жамоасининг 33 ёшли ҳимоячиси Франк Лебеф Англиянинг “Челси” клубидан французларнинг “Олимпик” жамоасига ўтди. У янги клуб билан икки йиллик шартнома имзолади. Ҳозирча трансфер баҳоси ошкор этилмади.



**«ДЕТРОЙТ»
МАРКАЗИ
МУСТАҲКАМЛАЯПТИ**

МБА клуби “Детройт Пистонз” уч нафар марказий ўйинчи билан шартнома имзолади. Улардан бири баскетбол майдонларида шуҳрат қозongan Корлисс Уильямссон бўлиб, у жамоада 6 йил муддатда фаолият кўрсатади ва эвазига 33 млн. доллар ҳақ олади. Бошқа икки нафар спортчи ҳам 210 см.дан юқори бўлган бўйга эга бўлиб (Ж. Ребрача, Р. Варда) “Детройт”нинг марказий ўйинчилар билан боғлиқ муаммоларини тўла бартараф эта олади.

Таъкидлаш жоизки, жамоага келган Уильямссон МБА кўрсаткичлари бўйича дунёнинг 9-рақамли баскетболчиси ҳисобланади. Унинг ҳаракат самарадорлиги 50,2 фоиз бўлиб, ҳар бир учрашувда ўртача 15,2 очко йиғиш имкониятига эга.

ИНТЕРТОТО КУБОГИ

учун беллашаётган жамоалар ўртасида 6 та ярим финалга йўлланма берувчи учрашувлар бўлиб ўтди. “Rennes” ва “Troyes” (Франция)нинг галабаси ва “Paris Saint Germain” жамоасининг муваффақиятли иштироки чемпионат юртида юксак салоҳият етилиб бораётгани яна бир бор тасдиқлади.

ДУРАНГЛИ 18-ТУР

Россия чемпионати олий лига жамоалари ўртасида кечган 18-тур учрашувларининг ярмидан кўпи дуранг натижа билан якун топди. Мамлакатда иссиқ ҳавонинг ҳукмронлик қилиши яшил майдонлардаги шиддатни сезиларли даражада камайтирди, дейишмоқда мутахассислар. “Спартак” ва “Крилья-Советов” дарвозаларига киритилган биттадан тўплар ҳам учрашув сўнггида амалга оширилган.


Шу йил 27 август кунини АҚШ очиқ чемпионати — “Катта шяпа” деб номланувчи мусобақаларга старт берилди. Унда иштирок этувчи америкалик Дженифер Каприати ва Венус Вильямслар қатнашчилар рўйхатини бошқариб турибди.

Маълумки, Каприати хоним бу йил теннис кортларида ўзига хос муваффақиятларга эришди. Франция ва Австралия очиқ турнирларида бош совринни қўлга киритиш баробарида, мухлисларига жозибатор ўйинлар намойиш этиб келди. Лексин АҚШ очиқ чемпионати мусобақалари унинг учун нақадар қадргон бўлмасин, ҳалигача кўнгилағидек натижага эришганича йўқ. Бундан ўн йил муқаддам Дженифер 15 ёшида “Катта шяпа” мусобақа-

**КАПРИАТИ
1-РАҚАМ БИЛАН**

ларида ярим финалгача етиб боргани ҳозирча бу турнирдаги унинг энг яхши натижаси. Ўшанда у Моника Селеш иродасини енга олмаганди. В. Вильямсга келсак, у ўтган йили айнан US Open қолиби бўлган эди ва бу йил ҳам ўз ташулини сақлаб қолиш ҳаракатида. Унинг ҳам имкониятлари юқори эканлиги Уимблдон турнирида ўз исботини топди. Бундан ташқари ушбу мусобақаларда иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига US Openнинг собиқ бош совриндорларидан яна беш спортчи ташриф буюрди.

Улар америкалик Моника Селеш, Линдей Девенпорт ва Серена Вильямс, испаниялик Аранта Санчез Викарио ва швейцариялик Мартина Хингислар.



Япониянинг Фукуока шаҳрида 4x200 метр масофага эркин

**АЁЛЛАР ЭСТАФЕТАСИ
ГОЛИБЛАРИ
ТАҚДИРЛАНМАДИ**

усулда сузиш бўйича ўтказилган аёллар эстафетаси голибларини тақдирлаш маросими ўтказилмади.

Финиш чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтган австралиялик “сув парилари”нинг қувончлари узоққа чўзилмади. Финишга етиб келган сузувчининг галабасини олқишлаш учун жамоадорларининг сувга сак-

рашгани ва бу пайтда бошқа жамоа вакиллари ҳали мусобақани давом эттираётгани боис Австралия жамоаси беллашувлардан четлаштирилди. Иккинчи бўлиб маррага етиб келган Америка вакиллари эстафета таёқчасини узатишда хатога йўл қўйгани сабабли голиблик уларга ҳам насиб этмади. На-

тижада мусобақа ҳакамлари буюк Британия жамоасини голиб, дея эътироф этди. Иккинчи ўрин Германия ва учинчи ўрин мезбонларга берилди.

Сузиш Федерацияси раҳбарлари кўпчилик иштирокчиларнинг натижаларга норозилик билдиргани туфайли, голибларни тақдирлашни ортга суриб келмоқда.

**МУСОБАҚА — ОЧИҚ,
ҚАТНАШИШ —
ИХТИЁРИЙ**

Эртага Санкт-Петербургда халқаро пойганинг Россия биринчилиги иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтади. “Формула Будущего” деб номланган сув-мотор мусобақаларида 25 метр масофага бемалол суза оладиган, ота-онасидан ружсат сўраган болалар ҳам қатнашишлари мумкин. Унда ҳар йили 500 нафар умидли, ёш спортчилар иштирок этмоқда. Мусобақалар 5 та ёш тоифалари бўйича сув-мотор спорти Халқаро уюшмаси қоидалари асосида ўтказилади. Ташкилотчилар зарурий жиҳозлар билан барча иштирокчини таъминлайди.

Агар ушбу спорт тури тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у 1998 йил ёзда биринчи бор ташкиллаштирилган эди. 1999 йилда спортнинг бу тури бўйича Европа биринчилиги, 2000 йилда жаҳон чемпионати ўтказилди. “Формула Будущего” шу тариқа оммалашиб бормоқда.



**СПОРТЧИНИНГ
СУДДАН КЕЙИНГИ
ИҚРОРИ**

Собиқ немис тенниси қаҳрамони Борис Беккер икки йил олдин қилган “хато”си юзасидан судга чақирилганда узини хотиржам сезганди. У хушгори булган Анжелика Ерманова исми аёл билан ўтказган кунларини унутиб ҳам юборганди. Анжелика эса бу пайтда Беккернинг зурриёти булган Анна исми қизалоқ тарбияси билан машғул бўлиб, келажақда қизининг бошқалардан кам бўлмаслиги қайғусида эди. Шундай ҳам булди. Анжелика Аннанинг отаси Борис Беккер эканлиги ва у ўз қизи учун моддий таъминотни зиммасига олишга маъсуллиги хусусида судга ариза берди. Суд жараёнида Анжеликанинг даъволари тасдиқланди. Натижада Борис теннис кортларида учрамайдиган омадсизлик билан рўбару келди. У турмуш уртоғи Барбара хонимдан ажралди. Ноқонуний фарзанд учун 2 млн. фунт стерлинг жарима тулади ва Ермановага ҳар ойда 25 минг фунт стерлинг алимент бериб яшайдиган булди.

Дунё бўйлаб мини-футболнинг нуфузи ҳам кун сайин ошиб бораётгани ҳаммамизга яхши маълум. Шу туфайли терма жамоамизнинг ўтган ҳафтада Осие биринчилигининг кумуш медалини қўлга ки-

лан кифояланишган. Ўтган йили эса ҳамюртларимиз янада муваффақиятли қатнашиб, қитъа мини футболда ўзларининг муносиб ўринга эга эканликларини амалда исботлашди. Бу йил эса ҳар галги-

аси билан 0:9 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса-да, шу босқичгача ҳамюртларимизнинг жуда муваффақиятли қатнашгани эътиборга лойиқдир. Вакилларимиз гуруҳ учрашувларида биринчи поғо-

ди. Ўйинда наманганликлар 4:2 ҳисобида устун келишди. Тўпларни “Навбахор”дан Шўҳрат Мирходиршоев — 2 та, Тоҳир Мадрахимов ва Санжар Асқаралиевлар киритишган бўлса, “Темирйўлчи”-

ҳам навбахорчилар йирик ҳисобдаги галабани қўлга киритишди — 5:1. Ушбу тўплардан иккитаси Улўбек Мирхолдиршоев ҳисобига ёзилган бўлса, қолган голларни Ш. Мир-

**МИНИ-ФУТБОЛЧИЛАР
ЗАФАРИ**

ритиши таҳсинга сазовордир. Вакилларимиз учинчи бор ташкиллаштирилган мазкур мусобақанинг ҳаммасида иштирок этишган бўлиб, бундан икки йил муқаддам 6-ўрин би-

дан кўтаринки руҳ билан тўп сурган футболчиларимиз турнирнинг финал босқичига етиб боришди. Улар гарчи олтин медал учун майдон эгалари бўлмиш Эрон терма жамо-

нани забт этгач, чорак финалда таиландликларни 4:3 ҳисобида мағлуб этишди. Ярим финалда эса Жанубий Корея вакилларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 4:0.


ТАЙЁРГАРЛИК

қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Фарҳод Магомедов қўл остида машғулотларни ўтаётган навбахорчилар 18 июль кунини “Темирйўлчи” билан ўртоқлик ўйини ўтказиш-

дан ўйновчи мураббий Рустам Абдуллаев “дубль”га эришди. Шундан сўнг Магомедов шогирдлари Тошкентта сафар уюштириб, “Трактор” жамоаси меҳмони бўлишди. У ерда

холдиршоев, С. Асқаралиев ва Фозиловлар киритишди. Тракторсозлардан ягона жавоб тўпига Александр Хвостунов муаллифлик қилди.

ЧАЙНКРОССВОРД



1. "Амир Темура" фильмида бош қахрамонни гавдалантирган санъаткор. 2. Мукулмон-хожи ниқоби остида Марказий Осиёни ўрганган венгер туркшунос-этнографи. 3. Дарё ҳосил бўлувчи сув йўли. 4. Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги тизма. 5. Яқин киши. 6. Дунёга машхур спорт буюмлари фирмаси. 7. Тўқима рўзғор анжоми. 8. Дзюдо бўйича Осиё чемпиони бўлган ватандошимиз. 9. Автомобил русуми. 10. Таъми ширин жануб меваси. 11. Тригонометрик функция. 12. Мамлакатимиздаги эстрада гуруҳи, "Нихол" совриндори. 13. Улкан, бук. 14. Шахматдаги ҳолат. 15. Ўзбек халқ рақс куйи. 16. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 17. Спорт ўйини. 18. Ўзбек халқ мақоми. 19. Афсонавий бахт куши. 20. Кишининг фикрлаш қобилияти, ақл, идрок. 21. "Алишер Навоий" драмаси қахрамони. 22. Ўсимлик аъзоси. 23. Француз футбол юлдузи. 24. Тош асрининг энг сўнгги даври. 25. Искотлаш асосида аниқланадиган фикр. 26. Пойтахтимиз вилоятидаги кончилар шаҳри. 27. Миллий таом. 28. Сўз устаси. 29. Ов куроли. 30. Амир Темура кўшинининг марказий қисми. 31. Инсоннинг ўқимишлилик даражаси.

Фозилжон ОРИПОВ
тузди.

GAZETAMIZNING SHU YIL 21 IYUL SONIDA BERILGAN KROSSVORD-MUAMMONOMANING JAVOBLARI

Diagonal bo'yicha: 1. Dina. 2. Xiva. 3. Nota. 4. Soat. 8. Zair. 9. Gurzi. 10. Okrug. 11. Yetmak. 12. Nimcha. 13. Lira. 14. Chili. 15. O'rda. 19. Amal. 20. Lavha. 21. Asvon. 22. Izmir. 23. Lemma. 24. Yenot. 25. Bank. 26. Noma. 30. Kova. 31. Savr. 32. Torf. 33. Agra. Belgilangan xonadan raqam atrofida soat mili yo'nalishida: 5. Bargizub. 6. Megovatt. 7. Chilangar. 16. Gulxaniy. 17. Dinamika. 18. Magellan. 27. Kurkunak. 28. Attestat. 29. Avogadro.

MUAMMONOMA

Ochqich so'zlar: 1. Meros. 2. Aql. 3. O'sh. 4. Bodring. Hikmat: Ilm narsalarini inson aqli yordami bilan o'rganilishidir.

ЭВЛОҲ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Тошкент шаҳридаги барча (касб-ҳунар коллежи дастури асосида таълим олиб боровчи) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида Транспорт, Алоқа, Қурилиш, Уй-жой коммунал хўжалиги, Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Маориф, Маданият ва санъат, Ижтимоий-иқтисодий, Савдо, Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича қабул давом этаётганлигини маълум қилади.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин.
133-79-87, 136-05-04, 133-07-10, 133-78-79.

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюмчаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётда терилди. Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Ботиржон ҲОФУРОВ.

Sabоq

Ўғлининг хатти-ҳаракатларидан кўнгли тўлаётган чол ўғлини кўрганда "Одам Атонинг отаси йўқ-да!" деб кўярди. Ўғли эса бепарво...

Мана, чол узумзор оралаб ҳассасига суянган ҳолда, қалтироқ кўлларида бир бош узум олиб келди ва шу ердан оқиб ўтаётган кичкина ариқчада узумни ювди-да, ҳали бозордан келган отасининг атрофида парвона бўлиб ўтиришган набираларининг олдида борди. Ўғли бозордан ширинликлар келтирибди, болаларига конфетлар улашмоқда. Чолнинг ҳассасага суяниб келаётганини кўрган ота кўлидаги конфетларни болаларига берди-да:

— Боринглар, ўйинглар, ҳа, ота ўғилларимдан — дея ўрнидан турди ва ўз отасини қарши олди. Болалар бобосининг кўлидаги марвариддек ярқираб турган узумни кўриб, кўлларидаги конфетларини чўнтақларига солишди-да, бобоси томон югуришди. Чол яна ўша жумлани ишлатди:

— Одам Атонинг отаси йўқ-да.

Қаршисига югуриб чиққан набираларига бир бош узумни бўлиб берди ва озроқгина бўлакчини ўғлига узатди:

— Ўғлим, Одам Атонинг отаси йўқ-да... боғда узум пишибди. Ўғли отасининг бу гапига тушунмади.

Одам Атонинг узумга нима алоқаси бор? — деди ва "отамлар ҳам кексайиб, гапирадиган гапини унутадиган бўлибди" дея ҳаёлидан ўтказди ва "кексалиқда", дея ўрнидан туриб, бозорликларини кўтариб ичкарига кириб кетди.

Орадан йиллар ўтди.

Отасининг қабрини зиёрат қилиб келаётган ўғил бир замонлар отаси кўп, жуда кўп ишлатадиган жумлани эслади; "Одам Атонинг отаси йўқ-да!" Тавба, ўғил кексайиб чол бўлиб қолибдики, бу жумланинг маъносини ҳеч тушунмади.

ОДАМ-АТОНИНГ
ОТАСИ ЙЎҚ-ДА!

У шу ўй-хаёл билан уйғача ҳассасига суянган ҳолда борди. Уйғача бориб, энди останада ҳатлаб ўтмоқчи бўлганда, дарвоза ёнидаги бир туп олма дарахтидан битта олма "тап" этиб ерга, чолнинг оёғи остига тушди. Чол олмани олиб шу ердаги ариқчада ювди ва тушлиқда ишдан қайтиб келган отасининг эркалашларидан оламни кулгуга тўлдириб юбораётган набираларининг олдида келди. Шу вақтнинг ўзида кўлида портфел кўтариб мактабдан келган ўғлини кўрган ота:

— Ўғлим, кийимингизни тезроқ алмаштириб келиб тушлиқ қилиб олинг, қорингиз ҳам очқандир, — дея шошиб уйга кириб кетган ўғлининг ортидан чақириб қолди. Бу ҳолатни кўрган чол бир зум келаётган жойида тўхтаб, бир умр йўқотиб юрган нарсасини толгандек ҳаяжонланиб кетди. У топди... Худди ўша жумланинг маъносини топди. "Одам Атонинг отаси йўқ-да!" Чол секин ҳаракат қила бошлади. Қалтироқ оёқларини аста қимирлата бошлади. У кексайиб қолганди. Кўли қалтирарди, оёқ! Йўқ, бутун вужуди қалтирарди. У шу алфозда сунада ўтирган ўғли ва набиралари ёнига келди ва кўрпача устига ўтирди. Бобосининг кўлидаги олмани кўрган набиралари отасининг эркалашларидан қочиб бобоси ёнига келдилар. Чол эса ёнидан пичоғини олиб олмани тенг тақсимлаб набираларига ва қолган бир бўлагини ўғлига узатди:

— Ўғлим, Одам Атонинг отаси йўқ-да! Олмалар пишибди. Отасининг бу гапи унга бобосини эслатди. У ҳайрон бўлиб сўради: — Ота, бу жумлани бобомлар кўп ишлатарди, аммо сиз бугун илк бора айтдингиз. Ҳайронман кексайган чоғингизда Одам Атонинг отасини нима келасиз?

Бошини ҳам қилиб ўтирган чол бир чуқур нафас олди. Бироз сукутдан сўнг: — Эҳ ўғлим, кексайган чоғингда биласан — дея қисқа жавоб берди. У ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо!...

Орадан йиллар ўтди. Ўтирган жойида отасининг руҳига Қуръон тиловат қилаётган ўғил энди кексайиб қолган, кўли қалтирарди, кўзи хиралашган, қоронғу хонада бир тўшақда ҳаракатсиз ўтирарди.

Ана, ташқарида "дадам келдилар, дада", деган набираларининг шодон қийқиқлари эшитилди. Дадаси нимадир олиб келган, болалари "менга ҳам" дея талашилди! Болалар тарқалишди. Ҳовлида ҳеч ким қолмади. Кун кеч бўлди. Шу тобда дераза ёнидан ўтиб қолган ўғлини кўрган ота уни чақирди:

— Ўғлим, менга қара.

Ўғли деразадан отаси томон юзланди. Шу вақт "дада, дадажон" деган ўғлининг ҳайқириги эшитилди. Деразани очиб, чолнинг сўзлашини кутиб турган ота ўғлининг чақирғидан сўнг овоз чиққан тарафга югурди. Энди гапирмоқчи бўлган чолнинг сўзлари бўғизда қолди. Беихтиёр боши ҳам бўлди. Беихтиёр "Одам Атонинг отаси йўқ-да!" дея маънос "оҳ" тортди. Ташқаридан набирасининг йиғлаётган овози эшитилди. Овоз яқинлашарди. Овоз деразанинг ёнига келди. Деразадан ўғлини кўтариб олган ота чолга қаради:

— Нима демоқчи эдингиз, ота? — у шошилган овозда сўради. Отаси нима демоқчи эканлигини унутиб қўйганди. Нима деярини билмай:

— Ўғлим, Одам Атонинг отаси йўқ-да! Ўғлинг йиқилиб тушдимми? — нурсиз кўзлари ила набирасининг овози келаётган тарафга қараб сўради. Отасининг бу гапи ёш отага ёқмади, шекилли. — Боринг-э! — деди-да шошилганча юриб кетди.

Олимжон СЕВАРОВ

Низомий номли ТДПУ раҳбарияти ўқув бўлими методисти Матлуба Эшпўлатовага отаси Раҳмонберди ПИРНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2617. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қозғ бичими А-3.
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00